БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 8 август Чоршанба № 148 (13.584). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Қишлоққа йўл олишди

ШУ КУНЛАРДА Фарғона вилоятининг қишлоқ йўлларида чиройли транспарантлар осилган автобусни тез-тез учратиш мумкин. Бу Тошлоқ ноҳия партия қўмитаси ва «Билим» жамиятининг ноҳия бўлими ташкил этган кўчма ташвиқий-бадиий бригададир. У дала шийпонлари ва жамоа хўжалиги қишлоқлари томон йўл олди. Лекторлар, бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари қишлоқларда одамлар билан учрашадилар.

Ленин номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ўз юртдошларини азиз меҳмонлардек кутиб олишди. Орадан бир оз вақт ўтгач, механизаторлар пахта чеканкаси билан машғул бўлган бригадалардан бирининг дала шийпони ўз-ўзидан саҳнага айланиб кетди. Ноҳия партия қўмитасининг лектори С. Қодиров пахтакорларга КПСС XXVIII съездининг иши тўғрисида гапириб берди. Марказий ноҳия касалхонасининг шифокори У. Тошбоев «Кўзни жароҳатланишдан қандай асраш керак» мавзусида суҳбат ўтказди. Шундан сўнг Бутуниттифоқ ҳаваскорлик ижодиёти иккинчи фестивали лауреати — Тошлоқ ноҳия Маданият уйи «Райҳон» халқ ашула ва рақс дастаси концерт берди.

Ташвиқий-бадиий бригада ҳали ноҳия хўжаликлари меҳнаткашлари билан янги-янги учрашувлар ўтказади. Элликдан ортиқ ташвиқий-бадиий бригадалар ҳозир вилоят қишлоқ кўчалари бўйлаб, бир дала шийпонидан иккинчи дала шийпонига, бир қишлоқдан бошқа бир қишлоққа мунтазам бориб келишмоқда.



Сут, қатиқ, қаймоқнинг мўллиги бу ҳам тўкчиликнинг бир турида-а? Табиатнинг бу таомлардан тўйиб-тўйиб тотган болани илиги тўқ, зеҳни ўткир бўлади, дейди доно боболар.

Бундан ўн йиллар олдин пахта яккаҳокимлиги, деган бало чорвачиликни ҳам ўз комига тортишга ҳаракат қилган эди. Ҳарқалай, ҳечдан кўра кеч бўлсада, «ҳоким»нинг қадами қисқарди. Чорвачиликка ҳам эътибор берила бошланди...

Сиз суратда кўриб турган икки дугона Қарши ноҳиясидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигининг Хўшши Бозоров бошлиқ фермаси соғувчилари Дилором Худойқулова (чапда) ва Турсуной Аҳмедовалар, ўзлари парваришлаётган (23 бошдан) сигирларининг ҳар бирдан кунига 11—13 литрдан сут соғиб олиб, ҳамкасабалари ўртасида илғорликни қўлдан бермай келишмоқда.

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТ.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари комиссиясидан

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ҳудудидаги адабиёт ва санъат соҳасида жумҳурият Ленин комсомоли мукофотларини бериш комиссияси 1990 йилги Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотини олиш учун конкурснинг II турида қатнашиш учун қуйидаги номзодлар қўйилганлигини маълум қилади:

I. АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

1. **Усмон НОСИР** (марҳум) — ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиблар кенгаши тавсия этган.

2. **Шукур СОДИҚ** — «Ёшлик» ойномасининг муҳаррири, 1989 йилда Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган «Ёрилтош» шеърлар тўплами учун.

«Ёшлик» ойномаси таҳририяти тавсия этган.

3. **Аббос САИДОВ** — «Ёш гвардия» нашриёти муҳаррири, 1990 йилда шу нашриётда чоп этилган «Райҳон иси тутган ҳовли» ҳикоялар ва қиссалар китоби учун.

«Ёшлик» ойномаси таҳририяти тавсия этган.

4. **Ашурали ЖЎРАЕВ** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг бўлим мудири, «Қайта қуриш ва санъатдаги муаммолар» туркум мақолалари ҳамда «Юрак бўронлари» ҳужжатли қиссаси учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

5. **«ШУЪЛА»** адабий уюшмаси — Ёшларни маънавий гўзал қилиб тарбиялаш борасидаги ибратли ишлари учун.

«Ёш ленинчи» рўзномаси таҳририяти тавсия этган.

6. **Муҳаммад ЮСУФ** — Ғафур Ғулом номли нашриётнинг шеърият бўлими муҳаррири, «Уйқудаги қиз» лирик шеърлар тўплами учун.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти тавсия этган.

II. КОНЦЕРТ ИЖРОЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТ УЧУН

1. **Маъмуржон ТУХТАСИНОВ** — Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳиясидаги 14-мусиқа мактаби муаллими, юксак ижрочилик маҳорати, ўзбек миллий ёшларининг турмуши ва меҳнатини тараннум этувчи қатор мусиқали асарлар яратгани учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Фарғона вилоят қўмитаси тавсия этган.

2. **Сайёра ҚОЗИЕВА** — Сурхондарё вилояти Бойсун ноҳиясидаги «Шалола» ашула ва рақс халқ дастасининг ижрочиси, халқ ижодиётини кенг тарғиб қилишдаги, ёш авлодни маънавий гўзал қилиб тарбиялашдаги катта ва самарали иши ҳамда жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Сурхондарё вилоят қўмитаси тавсия этган.

3. **Абдулла ТИЛЛАЕВ** — Хоразм вилояти Боғот ноҳияси Маданият уйининг «Парвоз» дастаси раҳбари, ўзбек миллий мусиқасини, Хоразм қўшиқлари ва мақомларини тарғиб қилишдаги фаол иштироки, Афғонистон жумҳуриятида байналмилал бурчини ўтаб қайтган собиқ жангчиларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги ҳамда вилоят, жумҳурият ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Хоразм вилоят қўмитаси тавсия этган.

4. **Мурот СОҲИБОВ** — Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Шодлик» ашула ва рақс Давлат дастасининг ижрочи-қўшиқчиси, миллий лирик қўшиқларни ижро этишдаги юксак ижрочилик маҳорати учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

5. Бухоро вилоятидаги 1-касалхона ҳузуридаги **«ГИЁҲ»** фольклор-замонавий дастаси — вилоят тадбирларидаги фаол иштироки ва эришган ижодий ютуқлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Бухоро вилоят қўмитаси тавсия этган.

6. Андижон ип-газлама бирлашмаси маданият уйининг **«ЎЗБЕКИСТОН ОҲАНГЛАРИ»** халқ дастаси (Бадиий раҳбари Комилжон Ҳакимов) — ўсиб келаётган авлод ўртасида халқ ижодиётини тарғиб қилишдаги хизматлари ҳамда ижодиётда юксак маҳоратга эришганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Андижон вилоят қўмитаси тавсия этган.

7. **Охун МАДАЛИЕВ** — Олтиариқдаги 20-ўрта ҳунар-техника билим юрти муаллими, юксак ижрочилик маҳорати, ёшлар ўртасидаги ўзбек миллий мусиқа санъатини тарғиб қилганлиги, жумҳурият комсомоли тадбирларида фаол иштирок этганлиги учун.

Фарғона вилоят маданият бошқармаси тавсия этган.

8. **САҲНАДАГИ ТОШКЕНТ ЦИРКИ** (Мурод ва Тоҳир Тошкенбоевлар ҳамда Юсуфжон Тешабоев) — ўзбек цирк санъати анъаналарини давом эттиришдаги хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

9. **Муҳритдин ҲОЛИҚОВ** — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Ёшлар уйи ҳузуридаги «Ниҳол» дастаси ашулачиси, юксак ижрочилик маҳорати, меҳр-шафқат концертларини қўйганлиги ва ўтказганлиги, жумҳурият комсомоли тадбирларидаги фаол иштирок этганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

10. **Ғиёс БОЙТОЕВ** — Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Ёшлар уйи ҳузуридаги «Умид» дастаси ашулачиси, юксак ижрочилик маҳорати, ўзбек мусиқа санъатини тарғиб қилганлиги, жумҳурият комсомоли тадбирларида фаол иштирок этганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

11. **Карима ЗАРИПОВА** — Тошкент Давлат цирки отда юриш олий мактабининг устоз-муаллимаси, цирк санъатида миллий анъаналарни тарғиб қилганлиги ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

12. Тўрткўл ноҳиясидаги **«ТАРОНА»** дастаси — Қорақалпоғистон халқларининг қадимий миллий маданиятини тиклашдаги хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси тавсия этган.

13. **Салоҳиддин ЛУТФУЛЛАЕВ** — Йўлдош Охунбобоев номидаги Қарши педагогика билим юрти муаллими, юксак ижрочилик маҳорати ва вилоят комсомоли тадбирларидаги фаол иштироки учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Қашқадарё вилоят қўмитаси тавсия этган.

14. **Маҳмуджон АЗИМОВ** — Чкалов номидаги Тошкент тайёрасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият уйи ҳузуридаги «Парвоз» дастаси ашулачиси, юксак ижрочилик маҳорати ва комсомол тадбирларидаги фаол иштироки учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

15. **«ДИЛРАБО»** болалар халқ дастаси — миллий мусиқа маданиятини тарғиб қилганлиги ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлиги ҳамда вилоят ёшларининг маданий дам олишини уюштиришда фаол иштирок этганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Сирдарё вилоят қўмитаси тавсия этган.

16. **Шаҳноза ФОЗИЛЖОНОВА** — «Баҳор» Давлат рақс дастасининг раққосаси, «Нафосат» кўригининг ғолиби, миллий рақсларни ижро этганлиги ва тарғиб қилганлиги учун.

«Нафосат» жумҳурият конкурсини ўтказувчи ташкилий қўмита тавсия этган.

III. ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ СОҲАСИ БЎЙИЧА

1. «Ўзбекфильм» киностудиясида олинган **«БИР МАВСУМЛИК ДАҲО»** фильмини яратувчилари гуруҳига (режиссёр В. Н. Гусев, тасвирга олувчи-қўювчи Н. К. Ғуломов, артист Х. И. Нурматов) драматурглик ишловланмаларда ва фильмдаги образлар қурилишини яратишда юксак бадиийликка эришганлиги учун.

«Ўзбекфильм» киностудияси тақдим этган.

2. Бухоро вилоятидаги халқ ижодиёти ва маданий-оқартув ишлари илмий-амалий марказининг **«СИТОРА»** халқ киноуюшмаси — вилоятда киночилик соҳасидаги ижодий фаолиятни ривожлантиришда эришган ютуқлари ҳамда ёш ижодкорлар билан олиб бораётган фаол ишлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Бухоро вилоят қўмитаси тавсия этган.

3. **Виктор ВЕРЖБИЦКИЙ** — Горький номидаги рус Академик драма театри артисти, самарали ижодий ишлари, «Озодликнинг бир дақиқаси», «Оқчорлоқлар», «Виждон диктатураси», «Олға, олға, олға» спектаклларидаги бош қаҳрамонлар образини маҳорат билан ижро этганлиги учун.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари иттифоқи тавсия этган.

4. Қашқадарё вилоятидаги **«МУЛОҚОТ»** театр-студияси жамоаси — юксак ғоявий-бадиий савияли спектаклар яратганликлари, ўзбек миллий театри анъаналарини фаол тарғиб қилганликлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Қашқадарё вилоят қўмитаси, Ўзбекистон ССР Театр арбоблари иттифоқи тавсия этган.

5. **Муслим ЙЎЛДОШЕВ** — Ўзбекистон ССР радио ва телевидениеси Давлат қўмитасининг диктори, сўзлаш санъатидаги муваффақиятлари, жумҳурият комсомоли ўтказган тадбирларда сценарий муаллифи ва бошқарувчиси сифатида фаол қатнашганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

6. **Обид АСОМОВ** — Ўзбекистон спорт-концерт бирлашмаси ҳузуридаги «Наргиз» дастасининг бош режиссёри, юксак ижрочилик маҳорати, жумҳурият комсомоли тадбирларида фаол иштирок этганлиги учун.

«Ўзбекконцерт» тавсия этган.

7. Жумҳуриятимизда ўтказилган «Қизиқчи», «Нафосат», «Камолот», театрлаштирилган футбол тадбирларини ўтказишда қатнашган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Ёшлар уйи ҳузуридаги режиссёр-постановкачилар гуруҳи (Ташкилий қўмита раиси **О. Муҳитдинов**, режиссёр-постановкачи **Б. Сайфуллаев**, режиссёр **Ш. Қодирий**) — ёшлар учун оммавий-томошабоп тадбирларни ташкил қилишдаги хизматлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

8. **Бозорбой НАЗАРИМБЕТОВ** — К. С. Станиславский номидаги Қорақалпоғистон Давлат драма театрининг артисти, театр санъати соҳасидаги фаол ишлари учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси тавсия этган.

9. **Муножот ТЕШАБОЕВА** — «Ёш гвардия» театрининг артисти, самарали ижодий ишлари, «Фармонбиби аразлади» спектаклидаги бош қаҳрамон образини моҳирона ижро этганлиги учун.

«Ёш гвардия» театри жамоаси тавсия этган.

IV. ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА

1. **Иброҳим ЖАЛИМБЕТОВ** — Қорақалпоғистон бадиий фондининг безакчи-рассоми. Санъат соҳасида фаол ишлаганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Қорақалпоғистон вилоят қўмитаси тавсия этган.

2. **Акмал НУРИТДИНОВ** — «Рассом» бадиий комбинатининг штатсиз ходими, мукаммал яратилган асарлари, рассомлар ва санъатшуносларнинг ёшлар уюшмасидаги фаол жамоатчилик иши (Ўзбекистонга бағишланган қатор тасвирий асарлари) учун.

Ўзбекистон ССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси, Ўзбекистон ССР Рассомлар уюшмаси тавсия этган.

3. **Рауф АҲМЕДОВ** — Чиноз ноҳиясидаги «Қизил Октябрь» жамоа хўжалигининг безакчи-рассоми, «Муштум» ойномаси, «Ёш ленинчи» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаларидаги ҳажвий суратлар туркуми учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Тошкент вилоят қўмитаси тавсия этган.

4. **Азим ХАЗРАТОВ** — Бадиий фонднинг Бухоро ишлаб чиқариш устахоналари рассоми, вилоятда сурат чизишни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун.

Ўзбекистон ЛКЁИ Бухоро вилоят қўмитаси тавсия этган.

Барча фикр-мулоҳазалар, жамоатчилик муҳокамасининг материаллари 1990 йил адабиёт ва санъат соҳасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотини бериш комиссиясига, қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700029. Тошкент шаҳри, Намойишчилар хиёбони — 5. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси, ижодкор ёшлар билан ишлаш шўъбаси.

Танишинг, номзодлар!

Учрашув бўлиб ўтди

6 август куни РСФСР Советлар уйида РСФСР Олий Советининг Раиси Б. Н. Ельцин бозор иқтисодиётига ўтиш иттифоқ режаларини тайёрловчи ишчи гуруҳ билан учрашди. Бу гуруҳ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти билан РСФСР Олий Совети Раиси ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ 2 августда тузилган.

Гуруҳнинг иш режалари муҳокама қилинди, бу иш режалари мазмуни юзасидан Г. А. Явлинский, С. С. Шаталин, Н. Я. Петраков, Л. И. Абалкин сўзга чиқдилар.

Аниқ иш режалари ишлаб чиқилди, тегишли топшириқлар белгиланди. Илмий, жамоат ва профессионал жамоалар вакиллари билан кенг алоқа қилиш кўзда тутилди.

Учрашувда РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси И. С. Силаев қатнашди.

(ТАСС).

Синиқ шишалардан

Трактор моторларини ремонт қиладиган Урганч ремонт заводида гулдор ойналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Синган шишалар, шампан виноси идишлари бу ерда хом ашё бўлиб хизмат қилмоқда. Завод ҳар тонна шундай хом ашё учун 30 сўм тўлайди. Бундан қиймати ўн баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Гулдонлар, ликопчалар, шишадан тайёрланган хилма-хил гуллар ва гулшодалар шулар жумласидандир. Янги буюмларнинг дастлабки туркуми вилоятнинг савдо корхоналарига тезда тарқатилди. Бухоро ва Қорақалпоғистондан буюртмалар бор.

— Хоразм корхоналарида шу пайтгача ҳеч ким бундай иш билан шуғулланмаган, — дейди янгилик ташаббускорларидан бири, инженер К. Аллаберганов — Биз корхонани Қувасой ойна заводи намунаси асосида ташкил этдик. Махсус печ ва ишлаб чиқариш линиясини сотиб олдик, улар табиий газда ишлаб турибди. Уларни ўзимиз монтаж қилдик. Бир гуруҳ ишчиларимиз Қувасойда махсус ўқитилди.

Ремонт заводининг янги бўлинмаси ошхона буюмлари, ойналар, ёриткичлар, фонар чироқлар ва харидорларга манзур бўлаётган бошқа буюмлар ишлаб чиқаради. Йил охиригача ремонт заводи синиқ шишалардан икки юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

Жумҳурият ҳарбий комиссариатида кенгаш

Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссариатида йигитларни 1990 йилги баҳорги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришнинг якунларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда партия, совет органларининг вакиллари, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Жумҳурият ҳарбий комиссари, генерал-майор В. Н. Маҳмудов ахборот берди.

Ёшларни бу йилги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, деб таъкидланди кенгашда, навбатдаги чақириқ ҳар йилдагидек мамлакат Мудофаа вазирлигининг буйруғига мувофиқ эмас, балки СССР Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг қарорига асосан ўтказилди. Бу эса ўз навбатида жумҳуриятимиздаги идоралар ва жамоат ташкилотларининг, биринчи навбатда маҳаллий Шўроларнинг зиммасига катта масъулият юклади.

Армияга чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан иш олиб борилди, суҳбатлар уюштирилиб, учрашувлар ўтказилди. Йигитларни ҳарбий хизматга жўнатиш вақти ва жойи белгиланди. Шикоятлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Халқ депутатлари Шўроларининг ижроия қўмиталари корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан келишиб, чақирилувчилар тушган ҳарбий эшелонларга хизмат жойигача ҳамроҳ бўлиб бориш учун ўз вакилларини жалб этдилар.

Кенгаш қатнашчилари мактабларда ҳуқуқий тарбия ва интизомни намунали йўлга қўйиш, ҳарбий комиссариатлар ҳузуридаги тиббий комиссиялар ишини шу куннинг талаби даражасига кўтариш, ДОСААФ ташкилотлари ролини янада ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам муҳокама қилдилар, уларни ҳал этиш йўлларини белгиладилар.

Кенгашда, шунингдек партия, шўро ташкилотларининг ҳарбий комиссариатлар билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисида фикрлашиб олинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.



ТОКИО. Бу ерда «Интернэшнл модерн хоспитал шоу-90» халқаро кўргазмаси очилди. Унда беморларга, шунингдек, кексаларга қараб туриш билан боғлиқ бўлган турли хил тиббий асбоб-ускуналар қўйилган.

Кўргазмада беморларнинг эҳтиёжлари ва талабларига боғлиқ ҳолда ўз шаклини ўзгартирадиган универсал кроватлар, беморларнинг ҳисоби ва уларнинг тиббий рўйхати қоғози магнит карточкаларига ва компьютер маълумотномасига асосланган автоматлаштирилган рўйхатхоналар намойиш қилинди. Бундан ташқари беморларга гигиеник хизмат кўрсатишнинг оддий ва мураккаб қурилмалари, бир маротаба фойдаланиладиган шприцлар ва колбаларни йўқ қилиб ташлайдиган аппаратлар, тиббиёт кийим-кечаклари ҳамда пойафзаллари ва бошқалар намойиш этилди.

Суратда: бемор аравачаси учун эшикли ванна. У бемор жойлашишига қулайлик туғдириш учун ҳолатини ўзгартириб туради.

И. НЕСТЕРОВА сурати. (ТАСС).

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

«Қайта қуришнинг музаффар шамоли эсаётганига ҳам беш йилдан ошаяпти. Лекин биз яшаётган Фориш ноҳияси К. Маркс номли давлат хўжалигига бу қутлуғ шамол етиб келмаяпти. Чунки биз бир гуруҳ шу ҳудудда яшовчи кишилар хўжалигимизнинг 4-бўлими бошлиғи Музаффар Эсиргаповнинг нотўғри ҳатти-ҳаракати тўғрисида вилоят халқ назорати қўмитасига, ноҳия фирқа қўмитасига ва ноҳия ички ишлар бўлимига бир неча марта маълум қилдик. Лекин фойдаси бўлмади. Ўтган йили у бир гуруҳ ўқитувчилар М. Зокиров, Т. Ғиёсов, Э. Умаров, О. Қиличев ва А. Нуриллаевлардан сомон учун 25 сўмдан пул йиғиб олиб ҳалигача бергани йўқ. Айтаверсак гап кўп. М. Эсиргапов ишламаган кишиларга ҳақ ёзиб ҳамёнига уради. Бу ҳақда фактлар бор. У хўжаликда ўзи хон, кўланкаси майдон. Унинг фаолиятига нуқта қўядиган мард борми?

Ҳ. ҚОРАЕВ,
А. АСРОРОВ,
М. ЗОКИРОВ ва бошқалар».

* * *

Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасининг БХСС бўлими ходимларига ҳам ана шундай «олғирлар» билан шуғулланиш мароқли албатта. Яқинда Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А. ҲАСАНОВ имзоси билан жавоб олдик.

«Фориш ноҳиясидаги К. Маркс номли давлат хўжалигида яшовчи Ҳ. Қораев, А. Асроров, М. Зокировларнинг хўжаликнинг 4-бўлими бошлиғи ўз вазифасини суиистеъмол қилаётганлиги тўғрисидаги аризаси ўрганилди.

Шикоятда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Шикоят ноҳия фирқа қўмитаси аъзоси Г. Алимов ва ноҳия агросаноат кооперативи бирлашмаси ўринбосари А. Саримсоқов ўртоқлар иштирокида хўжаликнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилди.

Давлат хўжалиги директорининг 64-№ ли 18 май 1990 йил қарорига биноан молиявий камчиликларга йўл қўйганлиги учун 4-бўлим бошлиғи М. Эсиргапов ва бўлим зоотехниги И. Зокиров ўз вазифаларидан четлатилдилар.

Назоратни сусайтирганлиги, молиявий камчиликларга йўл қўйганлиги ва сомонни қонунсиз тақсимлаганлиги учун бўлим агрономи А. Сатторов билан бухгалтер А. Кунбоевлар қаттиқ огоҳлантирилди. Хўжалик бош агрономи И. Усмонов, бош зоотехник М. Юсупов, бош экономист Мустанов ва бухгалтер Ҳамдаевлар 4-бўлимда назоратни сусайтириб юборганлиги учун огоҳлантирилдилар.



Қувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси йилига 21 миллион сўмлик чинни идишларни савдо шохобчаларига жўнатмоқда. Миллионлар ўз йўлига. Бироқ барибир кундалик уй-рўзғор буюмларининг бу тури етишмаяпти. Дўконлар расталари бўшаб қолмоқда. Умидларимиз эса катта. Чинни идишлар кўпайиб қолишидан.

Ҳозирча эса қувасойликлар 17 турдаги чинни буюмларни ишлаб чиқармоқдалар. Сиз суратда кўриб турган наққош қиз Мўмина Маманабиеванинг ўзи эса ҳар сменада 100 дона идишга сайқал бераётир.

Сураткаш: А. МИРЗАЖОН.

ОЗ БЎЛСА ҲАМ СОЗ

«ЯНГИОБОД» қўриқ совхозидаги қишлоқ даволаш амбулаторияси дастлабки беморлар — кўп болали оналарни қабул қилди. Тиббий ёрдамга муҳтож бу оналар энди яхшилаб парвариш қилинади. Қишлоқ шифохонаси янги икки қаватли бинога жойлашди, унда атиги 10 та ўрин бор. Албатта, бу жуда кам, лекин оз бўлса ҳам соз деганларидек, шифохона ишга туширилганидан кўпчилик хурсанд бўлди.

Қишлоқ жойларида кўп болали оналарнинг касалхонада даволаниши муаммо ҳисобланади. Касалхоналар одатда узоқда жойлашган бўлиб, оналар оилаларидан нари кетишни хоҳламайдилар. Каттақўрғон ноҳиясида касалхоналарни хонадонларга яқин жойлаштириш керак, деган қарорга келдилар. «Янгиобод» кичик касалхонаси ана шундай шифохоналарнинг дастлабкиси бўлди. Беморлар терапевт-педиатр ва стоматолог назорати остида бўладилар. Зарурат туғилганда бошқа мутахассислар ҳам таклиф этилиб, улар билан маслаҳатлашилади. Оналар касалхонада болалари билан даволаниш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари хоҳлаган аёл эрталаб ва кечқурун уйига бориб келиши, кундузи эса даволаниши мумкин.

Ноҳиянинг бошқа хўжаликларида ҳам шундай касалхоналар очиш мўлжалланмоқда. Энди ҳамма гап жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигига, янги кичик касалхоналарни жиҳозлаш муаммосига бориб тақалади.

(ЎзТАГ).

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Қоракўллик Ботир эшон

Яқин ўтмишимизнинг даҳшатли қатағон йиллари сиёсатининг қурбонлари орасида турли миллат вакиллари, ёши, жинси, дунёқарашидан қатъи назар, мансаби, эътиқоди ва жамиятдаги ўрни, айби бор-йўқлигига қарамасдан «кишан»га солинавергани сир эмас. Зеро, ўша даврда юритилган сиёсат қайси мақсадга хизмат қилганлигини тушуниб етиш жуда ҳам қийин. Ҳар ҳолда, «қамишзорга ўт қўйилиб, ҳўлу-қуруқ баб-баробар ёнган»лиги ҳақиқатдир.

...Жиноий ишнинг жилдига: «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан айбланган Абдуваҳобов Ботир Эшоннинг 71-сонли иши», деб ёзиб қўйилган. Уни варақлай бошлаганинг сари, бир ўзбек фуқаросининг ноҳақ жабрланганлиги қаторида, яна бир қанча саволлар фикрингда ғужғон ўйнай бошлайди. 1864 йилда Бухоро амирлигининг Арабхона қишлоғида туғилган Ботирхоннинг ота-онаси, у бир ёшга тўлмасдан Туркманистоннинг Фороб ноҳияси ҳудудига кўчиб кетишади. 1920 йилда Бухорода инқилоб бўлиб, 55 ёшли Эшон оила аъзолари билан туғилиб ўсган юртига қайтиб келади.

— Қайтиб кўчиб келишимга сабаб, — дейди у терговчининг сўроғига. — Туркманистонда босмачилик ҳаракати авж олиб кетгани бўлди. Вақт-бемаҳал «кимсан» деб сўраб ўтирмасдан тиғдан ўтказиб юбораверишларини ўйлаб ҳуррият бўлган Бухорога қайтдик.

Ботир Эшон Қоракўл ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигига кўчиб келади. Лойсувоқдан уй қуриб, бир амаллаб томини ёпиб олади. Лекин бу ерлар ҳам нотинч, умрида Қуръондан бошқа китоб ўқимаган тақводор учун ўз ўрнини топиб олиш оғир эди. Лекин жамоа хўжалигида бошқалар қатори ишлай бошлашди. Фақат у ўз эътиқодига содиқ қолди: худодан тонмади, тоат-ибодатини канда қилмади. Орадан яна 20 йилдан ошиқ вақт ўтди. Эшоннинг невара-чеваралари юздан ошиб кетди. Ёши 80 дан ошиб, бир қучоқ тўрва соқолида бир дона ҳам қора тук қолмади.

1941 йилда Каттақўрғон сув омбори қурилишига аҳолини жалб қилиш бошланиб, Ботир Эшонни ҳам ер қазишга жўнатишди.

— Ўзим мункайиб қолган бўлсам, аранг юраман, — деб жавоб берган эди Эшон терговда. — Лекин йўқ деб кўринг-чи! Борасан, дейишди. Мендайлар кўп эди.

Биз кўп йиллардан бери ўша вақтларни, ҳашарчиларнинг матонатли, қаҳрамонона меҳнати билан каналлар, сув омборлари, йўллар қурилган давр деб эшитиб келамиз. Канал, сув ҳавзалар қурилганини кинохроника — ойнаи жаҳон экранларида қўшиқ, ўйин-кулгу, қарсаклар, олқишлар остида ўтганлигини кўрганмиз. Тасаввуримизда ана шулар михланиб қолган. Лекин Ботир Эшоннинг «жиноий» ишини варақлаб, ўша ишлар шунчалик байрамона кечиб, кеча-кундуз ишлатилган бўлса, бу қаҳрамонликларнинг баҳоси неча пул, деб ўйлаб қоларкансан киши.

— «Кундузию-кечаси билан тиндирмасдан халқни ишлатиш, тинкасини қуритиш ҳатто тарихда маҳбуслар ёки жиноятчиларга нисбатан ҳам қўлланилмаган, — деб жавоб берганди Эшон терговда. — Бунинг устига тоғли жойда иш олиб борилаяпти. Бунча азоб бериш нимага керак», — деб гапирганман. Бу менинг фикрим эди. Бу билан мен бирор кишини иш ташлайлик, ҳукуматга қарши кўтарилайлик, деб ундаган эмасман. Бундай хаёл бўлган эмас».

Хуллас, Ботир Эшон ана шу сўзлари учун қамоққа олинади. Сал ўтмай унинг жиноий ишига, дин пешвоси эканлиги, уйланганларга никоҳ ўқиганлиги, ўлганларнинг жанозасини ўтказганлиги қўшилади. Аллақайси бир даврада, «масжидларни бузиб, пойқадам жойлар оёқ ости қилинаяпти, диний бинолар омборга айлантирилаяпти, ёшлар эътиқодсиз бўлиб кетаяпти. Бунинг охири вой бўлиши мумкин. Бу сиёсат кўпам тўғри бўлмаса керак», деган фикри ҳам жиноий ишидан ўрин олган.

Пировардида Бухоро вилоят НКВД бошқармаси раҳбарлари Диев, Семикин, Гапонов, Фетисов, Алиев, вилоят прокурори Полянскийлар томонидан нуроний Ботир Эшон Абдуваҳобов совет ҳокимиятига қарши ташвиқот юритишда айбланиб судга берилади. Уни 10 йилга озодликдан ва 5 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм қилинади. Ҳозир у батамом оқланди.

Ботир Эшоннинг кейинги тақдири бизга номаълум. Лекин унинг кўп сонли невара-чеваралари ҳозир ҳаёт бўлишса ажаб эмас. Улар бир художўй боболари асло жиноятчи бўлмаганлигини, қатағон йиллари салтанати қурбони бўлганлигини билишлари лозим.

Ф. ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон ССР прокурорининг ёрдамчиси, катта адлия маслаҳатчиси.

Она тилимиз—бебаҳо бойлигимиз

БЕБАҲРАЛИК

ДОНО ХАЛҚИМИЗ неча асрлардан буён «Тилга эътибор — элга эътибор» деган чуқур мазмунли мақолни ишлатиб келади. Алломаларимиз ҳар доим шунга амал қилганлар, она тилини севганлар, уни кенг тарғиб қилганлар. Биргина Алишер Навоийнинг икки китобидаги («Муҳокаматул луғатайн», «Маҳбуб-ул қулуб») фикрларнинг ўзи буни тасдиқлайди.

Маданиятимиз, фанимиз халқимизнинг, ҳатто, иқтисодимизнинг умумий тараққиёти тил маданиятисиз, нутқ маданиятисиз мумкин эмаслигини ҳамма ҳам энди тўлароқ тушунадиган бўляпти. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Эндиги долзарб масала Қонунни ўз вақтида амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ҳал қилишдир. Аслини олганда-ку, бундай муаммолар бўлмаслиги керак эди. Бироқ масаланинг моҳиятини ҳалигача жиддий тушуниб етмаслик, сунъий равишда ана шундай муаммоларни келтириб чиқаряпти. Бу ўринда уларнинг айримларигагина тўхталиб ўтамиз. Биринчиси, Қонун қабул қилинганига анча вақт бўлганлигига қарамай, уни амалга оширишдаги сусткашликнинг давом этишидир. Сусткашликнинг давом этишига сабаблардан бири ва асосийси маҳаллий раҳбарларнинг ташаббусни қўлга олмаётганликларидадир. Бунинг натижасида жойларнинг номлари ҳам, кўчалар, майдонлар, ташкилотлар, дўконлар номлари ҳам ҳали Қонун талаби даражасига келтирилмаган; ҳужжатлар, иш юритишлар тартибга солинмаган; иш юритиш даражасида Давлат тилини билмаган кишилар ҳамон ўз иш жойларидан қўзғалмаяпти; баъзи ҳолларда сўз қўллаш, атамалар яратишда бош-бошдоқликлар содир бўлаяпти.

Ўзбек тилининг икки томлик изоҳли луғати, қанча камчиликлари бўлишидан қатъи назар (Қарангки, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» «Русский язык» нашриётида чоп этилса) қанчалик машаққатли меҳнатнинг натижаси эканлигини бир кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Битта-яримта тақриз ёзилганигина унга берилган катта мукофот бўлди. Қанча-қанча диссертациялар ўзбек тилида ёзилиши мумкин бўлмаганлиги ёки ёқлаш мумкин эмаслиги учун ўқувчига йўл тополмай ётибди. Катта-катта рус тилшуносларини биламан, улар ўзбек тилшунослиги бўйича ҳам мутахассис: А. Н. Кононов, С. Иванов, Боровков айниқса, В. В. Решетовлар ўзбек тилини жуда ҳурмат қилиб, бу тилда гаплашиб, шу тил масалалари бўйича жиддий илмий тадқиқот ишлари қилганлар. Бироқ жуда кўп бошқа миллатларга мансуб тилшунос ва адабиётшунос олимлар, ҳатто, тилшунос ва адабиётшунослик бўйича ўзбек олимлари томонидан айтилган жиддий фикрлардан, ҳал қилинган долзарб масалалардан бехабар бўлиб қолганлар. Бунинг сабаби бу фикрларнинг ўзбек тилида баён қилинганлиги, илмий ишларни таржима қилиш соҳасидаги бир ёқламалик, қолаверса, ўзбек олимларининг ишларига қизиқиш ва ҳурмат билан қарамаслик, улардаги фикрларни билишга интилмаслик ёки хоҳламасликдир.

Нега ўзбек тилшуноси ёки адабиётшуноси рус тилида ёзилган ҳамма ишлардан хабардор бўлгиси келади, уларни билмаса, ўзини орқада қолиб кетган ҳисоблайди, ана шу йўлда рус тилини қунт билан ўрганади, улар ишларидан кўчирмалар олади-ю, бир неча ўнлаб йиллардан буён Ўзбекистонда яшаётган рус тилшуносларининг, адабиётшуносларининг аксарияти ўзларининг ёнгинасида ишлаб турган ўзбек олимларининг ишларидан, янги фикрларидан бехабар бўлади, улардан кўчирмалар келтиришга гўё уялишади? Нега улар қунт билан ўзбек тилини ўрганиб, ҳеч бўлмаса, ўша илмий ишлар мазмунидан хабардор бўлишмайди? Нега энди ўзбек тилшуноси жиддий илмий иш қилиб, фақат рус тилида ёзишни билмаганлиги учун минглаб сўм пул сарф қилиб ўша ишини ўзи яна таржима қилдириши керак.

Нега бундай? Пулни қаердан олсин? Ҳам тадқиқот қилса, ҳам бировларга етказиш учун пул тўласа? Катта бир тилшунос олимни биламиз, у ҳақиқатан ҳам яхши олим, бунга шубҳа йўқ. Бироқ рус тилида ёза олиш малакасига эга эмас. У ўз докторлик диссертациясини 5—6 йилда катта машаққат билан ёзган бўлса, ўша ишни ўзининг кўнглидагидай қилиб таржима қилдириш учун, тахминан, ўн йиллардан буён овора. Таржимадан кўнгли тўлаётгани йўқ, фикрлари чиқмай қолаётгандай. Агар шу иш ўзбек тилида тугалланган пайтда дарҳол ҳимоя қилиниб ўқувчига тақдим этилганда, қанча одам бундан баҳраманд бўлар эди.

Хуллас, бу масалада жиддий баҳслашиш даври аллақачон келган. Ҳамма ўйлаб кўриши керак. Ш. Отабоев жуда тўғри ва куйиниб таъкидлаганидек, ўзбек адабий тилининг айрим масалаларини ўрганишга бағишланган илмий ишнинг бошқа тилда ёзилиши нима учундир ҳалигача ҳеч кимга ғалати туюлмаяпти. Ўзбек тили сўзларининг, сўз шаклларининг ниҳоятда жимжимадор, нозик, жуда илғаш қийин бўлган маъноларини фақат шу тилнинг ана шундай нозикликларни ҳам ифодалай оладиган воситаларидангина фойдаланиб ўқувчига тўғри ва тўла етказиш мумкин. Олим эса бу имкониятдан маҳрум қилиб қўйилган.

Ўзбек тилшуносларининг тилимиз тақдири, унинг истиқболи учун қайғуришдаги сусткашлигини тўла тан олган ҳолда, яна шуни ҳам айтиш кераккки, ўзбек тилшуносларининг, ҳатто, ўзбек тилида ёзган илмий ишларидан ёзувчилар, адиблар, танқидчилар, маданият ва санъат ходимларини қўйиб турайлик, ҳатто Ўзбекистондаги барча тилшунос олимлар, қолаверса, фақат дорилфунунларнинг ўзбек филологияси факультетлари талабаларини ҳам маҳрум қилиб қўйганмиз. Бунга асосий айбдорлар ким, буни билмаймиз. Бироқ, бу ҳозирги кундаги бор ҳақиқат. Чоп қилинган, тилшуносликка оид китоб ёки тўплам Ўзбекистондаги бир қисм тилшунос олимларгагина зўрға етади ёки етиб боради. Талабалар учун мўлжаллаб ёзасан, талабангга умуман етмай қолади. Машаққат билан кўз нурингни сарфлаб ёзган ана шундай ишингни «фотога олиш» учун мослаб машинкалатишинг керак (бир бети 80 тийиндан 1 сўмгача), қанча машаққат билан режага киритасан, югуриб-елиб, нашр қилдириш учун ҳужжатлар тўплайсан, қанча сарсонлик билан чиқарасан. Зўрға 300—500 ёки жуда машаққат билан 1000 нусха босилиб чиқади. Бу эса Ўзбекистондаги тилшуносларга ҳам етмайди. Ахир, ўйлаб кўрайлик, тахминан, 15—16 миллион одам ўзбек тилида гаплашадиган бўлса, булар учун 300 та, 500 та, борингки, 1000 ёки 2000 мингта китобни қандай етказиб бериш мумкин?

Фикрларимиз фактлар билан бўлсин. Ҳурматли адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Халқ тили ва реалистик проза» (Т., 1973 й). номли ниҳоятда зарур, фақат тилшунос ва адабиётшунослар учун эмас, балки ҳамма учун баробар ўта керакли китобини бирорта филолог талаба топиб ўқий олмайди. Бошқаларни қўяқолайлик. Бу китобнинг нусхаси икки мингтадир. Бу тилга бағишланган китоблар учун жуда катта нусха дея қолайлик. Бу китобда она тилимизнинг бойлиги, ранг-баранглиги бутун имкониятлари шундай очиб берилганки, ҳайратга тушасан киши. Бу китоб оддий дала меҳнаткашларининг ҳам ўзбек тилига бўлган муҳаббатини уйғотади, уни севишга ундайди. Ёзувчи ана шу йўл билан тилимиз тақдирига, унинг истиқболига қайғурган, одамларни бунга чақирган.

«Она тилимизни эъзозлайлик, тақдирини ўйлайлик, ҳурмат қилайлик, севайлик, камситувчиларга қарши курашайлик» сингари баландпарвоз «шиорлар» бу китобда йўқ, албатта. Бироқ унда ёзувчининг она тилимизни қардлаш ҳақидаги қалб нидоси мавжуд. Бундан эса ўзбек халқининг деярли ҳаммаси бебаҳра қолган. Чунки икки мингта китоб ёзувчининг ўртоқлари, ёр-биродарлари, таниш-билишлари кутубхонасига ҳам етарли эмас. Қайта нашри ҳақида эса ҳеч ким бош қотирмайди. Унинг ўрнига дўконларда чанг босиб ётадиган китобларни минг-минглаб нусхада чоп қиламиз, қайта нашрдан чиқарамиз. Бу китобни топиш эса мутахассислар учун ҳам машаққат. Ёки бошқа бир мисол: профессор Азим Ҳожиевнинг ўзбек тилида «Кўмакчи феъллар» (Т., 1966 й.) китоби нашр қилинган. Бу китобда тилимизнинг гулига айланиб қолган кўмакчи феълларнинг маъно нозикликлари, товланишлари шунақа теран таҳлил қилинганки, яна ёқангни ушлайсан киши: кетди, кетиб қолди, ташлаб кетди, ташлаб кетиб қолди, ташлаб кетиб қолди қўйди, тўхтаб турипти, турипти, тўхтаб ётибди, тўхтаб туриб қолди, каби қўлланишлардаги нозик фарқлар ниҳоятда зукколик билан ечиб берилган. Бироқ қани бу китоб? Кимлар ўқиб чиқди экан, бу китобни? Шу китобдан қайси ёзувчи, қайси шоир, қайси танқидчи ёки нашриёт ходимлари, маданият, санъат ходимлари хабардор экан? Буни синчиклаб ўқимасдан туриб, ўрганмасдан туриб қандай қилиб ўзбек тилининг бой, жимжимадор эканини, унинг товланишларини ҳис қила оламиз. Ёзувчи қандай қилиб китобхоннинг қалбига етиб борадиган асар ёзади? Шундай кам нашр қилинганки, ҳатто, тилшуносларнинг ўзлари ҳам бу китобни тополмай сарсон; профессор Раҳматилла Қўнғировнинг «Тасвирий сўзлар», «Ўзбек тилининг бадиий тасвир воситалари» китобларининг тақдири бундан ҳам ачинарли. Чунки бу китоблар ҳар бир ёзувчининг, танқидчи ва тилшуноснинг кутубхонасидан ўрин олиши шарт бўлса-да, тилшуносларнинг кўпчилигига ҳам етмай қолган. Ахир 500 та китоб кимга ҳам етсин. Бундай тақдир юзлаб китоблар, тўпламлар, катта-катта илмий ишларга ҳам таллуқлидир.

Ахир Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон каби кўплаб сўз санъаткорлари асарларининг тили бўйича жиддий-жиддий илмий ишлар қилингани, катта-катта диссертациялар ёзилгани ҳаммага маълум ва умуман тилшуносликда анчагина жиддий иш қилинганини профессор И. Кўчқортоев ҳам алоҳида таъкидлайди («Ўзбек тили ва адабиёти», 1987, 5-сон): «Тўғри, йирик ўзбек совет ёзувчилари асарлари тили бўйича тузуккина тадқиқотлар яратилди, бир қанча монография нашр этилди. Лекин лингвистик тадқиқотларнинг реал ижодий жараёнга, бадиий асар тили устида ишлашга ва умуман адабий тараққиётга таъсири сезиларли эмас». Жуда ўринли гап. Агар лингвистик тадқиқотлар фақат тилшуносларнинг ўзи учун қилинадиган бўлса, бу ишларни фақат шулар ўқиб қўяқоладиган бўлса, бу тадқиқотларнинг нима зарурати бор.

Тадқиқотлар фақат унвон олиш воситаси бўлмасдан, у халққа, ўзбек тили истиқболига амалий хизмат қилиши керак, халқимизни ўз она тилида бурро гапира олиши учун кўмак бериши, бу билан умумий маданиятимизга ҳам хизмат қилиши керак. Тил маданиятимизнинг оқсаши умумий маданиятимиз ва савиямизга ҳам жиддий таъсир қилаяпти.

Профессор Иристой Кўчқортоевнинг «Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологизмларни ишлатишдаги новаторлиги» номзодлик диссертациясини одамлар қаердан топиб ўқисин. Бу иш ўзбек тилида нашр қилинганида, одамларимиз анча бурро, ёзувчиларимиз асарлари тил жуҳатдан анча таъсирли, ширин бўлиб қолмасмиди? Унинг «Бадиий сўз устаси» (1967 й) китоби ҳам топилмайди. Умуман, қандай асарларни кўп нусхада ва қайта босиб чиқариш масаласини жуда жиддий ҳал қилиш зарур.

Фактлар кўрсатадики, ўзбек тилшунослигининг ютуқлари, тилшуносларнинг қилган ишлари анча кўзга кўринарли. Ҳатто, бадиий асар тилини ўрганиш бўйича ҳам анчагина ишлар қилинганлиги маълум. Демак, назаримизда асосий масала, асосий жиддий камчилик мутасадди ўртоқларнинг миллий тилларга бўлган муносабатининг ленинча принципларини тушунмаслиги, байналмилаллик ёки миллатчилик нима эканини чуқур англамаслиги, бундан ҳам хавфлироғи нотўғри англашидир.

Ўзбек тили кафедрасини ёпиб қўйиш ҳам, мактабларда асоссиз равишда она тили дарсларини камайтириш ҳам, масъулиятни тўғри ҳис қилмаган ҳолда талабаларни ўзбек тилида ўқишдан маҳрум қилиш, ўз она тилини билмаслик, унда гаплашишдан ор қилишгача боришлар ҳам, айниқса, китоблар нашрларига муносабат, тилшунослик бўйича бирорта алоҳида жарида ёки нашриётнинг йўқлиги кабилар ҳам аслида ана шу Она тилига муносабатнинг чатоқлигидадир.

Хуллас, она тилимизга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирмасдан туриб, тилшунос олимлар, айниқса, уларнинг илмий-тадқиқотларини кенг кўламда нашр қилмай, китоб ҳолида етарли нусхаларда чиқишига йўл очмай, уларни кенг оммага етказмай туриб, она тилимиз тақдири билан боғлиқ бўлган туб қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди. Қонунни амалга оширишнинг суст бораётганлиги ҳам асосан шу билан изоҳланади. Ахир, ўзбек шеваларида минг-минглаб теша тегмаган сўзлар — иборалар бор, улар олимларнинг айрим-айрим шевалар лексик хусусиятларига бағишланган тадқиқотларида ўз аксини топган. Бу жуда катта бойлик. Бу тадқиқотларни оммалаштириш лозим. Бундан ташқари, яқин-яқин йилларда адабий тилимизда ишлатилиб юрган бинойидек сўзларни четга суриб қўйдик, уларга эскилик тамғасини босдик. Улар ўрнига, мода кетидан қувгандек, русча сўзларни қўлладик. Тил хазинамизга ҳамон хўжасизларча муносабатдамиз. Қонунни амалга ошириш учун эса она тилимизга муносабат ҳаммада жиддий ўзгарган бўлиши керак.

Ё. ТОЖИЕВ,
филология фанлари номзоди, ТошДД доценти.

Р. САЙФУЛЛАЕВА,
филология фанлари номзоди.




Давлат чегараси. У хоҳ қуруқликда бўлсин, хоҳ осмонда бўлсин, ёки сувда бўлсин, ҳар қандай вазиятда ҳам барибир даҳлсиз бўлиши керак. Лекин бугунги кунда бу сарҳадлар «ишончли қўлларда» дея қатъий ишонч билдириш ҳам мушкул бўлиб қолди. Аммо Ватанимизнинг шимоли-ғарбий ҳудудларини кўз қорачўғидек асрашга интилаётган денгиз чегарачиларимизга ишонч булади. Ушбу суратларда кўриб турганингиз Қизил байроқли чегарачилар бригадаси кемалари ҳамиша ўз постларида хушёр. Улар ўзларига берилган ҳар қандай жанговар топшириқларни ҳам шараф билан адо этишяпти.

СУРАТЛАРДА: Чегарачилар қисмида ўз йигитлик бурчларини ўтаётган жанговар хизмат аълочилари (чапдан ўнгга) Лубис Арас, Сергей Захарченко ҳамда Константин Голубевлар.

Чегарачилар кемаси навбатдаги сафарга чиқди (ўнгда).

С. МАЙСТЕРМАН суратлари. (ТАСС).



ОШКОРАЛИК НУРИДА КЎРИНГАН ИМТИЁЗЛАР

МОСКВА ЯҚИНИДАГИ Архангельск посёлкасида ҳарбий шаҳарча шу сингари кўпгина посёлка ва шаҳарчаларга ўхшаб ўз тарихида кўп нарсаларни бошидан кечирган. Шароитнинг етишмаслиги, доимий тақчиллик, йўлларнинг асфальтланмаганлиги, мактаб синфларидаги тиқилинчлик қурилишларда ишчи кучининг етишмаслиги — хуллас ижтимоий ва турмуш муаммолари анчагина.

1990 йил билан янги кулфатлар ҳам келди. Тиббий хизматчилар учун ётоқхона қуриб битказилмади, музейни таъмирлаш ҳам чўзилмоқда. Қачонлардир клуб бўлиш бўлмаслиги ҳам номаълум. Кашшофлар уйи, ўсмирлар билан ишлаш, фахрийлар кенгаши учун ҳам бино йўқ.

Юқоридаги амалдорлар бу посёлкани унутишганмикин? Йўқ. Айнан мана шунинг учун ҳам машъум донг таратган.

Бутун мамлакатга машҳур бу ердаги музей-боғ эшиги ёпилганига бир неча йил бўлди. Кейин эса бирин-кетин бошқалари — СССР Мудофаа вазирлигининг мансабдор амалдорларига тегишлилари пайдо бўла бошлади. Дарвоқе шаҳарча ҳам ана шу вазирликка қарашли эди.

«Дачная поляна», Горки—6, Барвиха сингари хушманзара, кўркам қўриқхона ерларида бири-биридан чиройли ва қулай бўлган коттежлар қад ростлади. Турмушдаги қийинчиликлардан безор бўлган қўшниларнинг таънали қарашлари, посёлка аҳолисининг норозилиги ҳисобга олинмади. «Қўриқхона ерларда халқ маблағи ҳисобига барча қулайликлар яратилган «кошона» ва «сарой»лар қуришга интилиш, — дейилади истеъфодаги генерал-майор Г. Козлов ва посёлка фирқа ташкилоти котибининг ўринбосари, истеъфодаги полковник М. Савченколарнинг СССР ХНҚ га ёзган хатларида, — Мудофаа вазирлиги раҳбариятининг лавозимга қўшиб берадиган доимий имтиёзи бўлиб қолган ва бу ҳар сафар раҳбарият алмашганда кўзга яққол ташланади».

Худди шунинг учун ҳам марказий ва маҳаллий рўзномаларда қатор танқидий чиқишлар бўлди. Ойнаи жаҳон ҳам дала ҳовлилар эпопеясини қоралади.

Рўзномаларнинг чиқишига жавобан молдавиялик собиқ ҳарбий хизматчи А. Клушин СССР Олий Шўросининг имтиёзларни кўриб чиқиш бўйича Комиссия раисига шундай деб мурожаат этганди: «Қани ижтимоий адолат? Бу амалдорларнинг виждони қаерда? Қўл остидагилари қашшоқликда кун кечираётган бир пайтда уларнинг ўзлари учун давлат ҳисобидан юз минглаб сўмга дала ҳовли қуришлари... Бу одамлар ҳаммаси учун қонун бўйича жавоб беришлари керак». Марказий шўро ва фирқа органларига, СССР Халқ назорати қўмитасига бу мавзуда жуда кўплаб норозилик мактублари келди.

Раҳбариятнинг топшириғи билан мен ҳам улардан айримлари билан танишиб чиқдим. Юришга, текширишга, гарчи бу масала бир қарашда ҳали номи тилга олинган СССР Олий Шўросининг мажлисида узил-кесил ҳал қилингандек кўринса-да, бироқ катта шов-шувга сабаб бўлган ва шу кунгача тинмаётган давлат дала ҳовлиси деб аталувчи ўша иморатларни ўз кўзим билан кўришга тўғри келди.

Мудофаа вазирлиги йўл қўйилган хатони тан олиш учун дастлабки қадамларни ташлагандек: посёлкани ижтимоий жиҳатдан қайта қуришга ваъда берилди, кошоналардан бирини болалар боғчаси учун берилиши эълон қилинди, посёлка марказида вазирлик бошқармаларидан бирида ишловчи сипоҳи Г. Молчанов учун ҳарбий қурилиш ташкилоти кучидан фойдаланиб мисли кўрилмаган даражада сурбетлик билан бунёд этилаётган шахсий дала ҳовли қурилиши тўхтатилди.

Бироқ одамлар қониқишмаяпти. Одамлар устма-уст ёзишмоқда. Жавоб эса — сукунат. Илгари ҳам ушбу мавзу билан шуғулланганим учун рухсат этсангиз юксак мартабали ўртоқларимизнинг имтиёзлари сиридан сизни огоҳ этсам ва шу хусусдаги ўзимнинг айрим фикрларим билан ўртоқлашсам.

Мудофаа вазирлигидаги бу масаланинг бошланиши урушдан олдинги йилларга, яъни сталинча маъмурий буйруқбозлик системаси ва яккаҳокимлик пойдевори, шу жумладан Қуролли кучларда ҳам мустаҳкамланаётган йилларга бориб тақалади. 1941 йилда СССР ХКК нинг қарори билан қўшинлар қўмондонлари, қатор ҳарбий мавзелар ва Узоқ Шарқ фронти штаблари ҳамда сиёсий ташвиқот бошқармалари бошлиқларининг дала ҳовлилари учун Мудофаа халқ комиссариати ҳисобидан 5 минг сўмдан ажратишга рухсат берилган.

1946 йилда ҳукуматнинг навбатдаги қарори билан бу имтиёз барча ҳарбий мавзелар ва қўшин гуруҳларига жорий этилди. Орадан тўрт йил ўтгач эса СССР Вазирлар Кенгашининг буйруғи билан ҳалок бўлган ва вафот этган маршал ҳамда генераллар оиласига бириктирилган дала ҳовлиларига қараб туриш ва хизматкорлар учун йилига 1,5 минг сўмдан сарфлашга рухсат берилди. 1954 йилдан бошлаб эса Совет Иттифоқи Маршали Н. Булганин фармонига биноан барча флотлардаги юқори лавозимдаги шахсларнинг дала ҳовлилари учун ҳам 5 минг сўмдан ажратила бошланди.

1956 йилда ўша пайтдаги СССР мудофаа вазири, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков дала ҳовлиларига сарфланадиган маблағларни 2 минг сўмгача қисқартирди: СССР Вазирлар Кенгашининг 1960 ва 1962 йиллардаги қарорлари билан вазифаларидан озод қилинган Совет Иттифоқи Маршаллари А. М. Василевский, А. И. Еременко, Г. К. Жуков, С. К. Тимошенко, К. К. Рокоссовский, Ф. И. Голиковларнинг дала ҳовлиларига қараб туриш учун 5 минг сўмдан ажратишга рухсат берилди.

Кейинчалик СССР Вазирлар Кенгашининг 1964, 1977, 1979, 1981 ва 1985 йиллардаги буйруқлари билан бундай имтиёздан фойдаланадиган кишилар доираси кенгайтирилди: Совет Иттифоқи Маршаллари дала ҳовлилари учун 5, бошқалар учун эса 3 минг сўмдан сарфланади.

Ўтмишга қилинган бу «саёҳатдан» кўриниб турибдики, мамлакатимизда бу масаланинг ҳеч қандай қонуний ёхуд ҳуқуқий қоидаси йўқ. Халқ пулини сарфлаш учун ҳукумат қарори ҳам бўлиши шарт эмас, битта буйруқ бўлса етаркан. Ҳатто бошлиқнинг қарори ҳам бўлавераркан. Мисол учун 1978 йилда ўша пайтда Мудофаа Кенгашининг Раиси Л. И. Брежневнинг кўрсатмаси билан Бош сиёсий бошқарма бошлиғига ажратилган 3 минг сўм 5 минг сўмга кўтарилди. 1989 йилда эса СССР Мудофаа Вазирлиги армия генерали П. Лушевнинг дала ҳовлиси учун ҳам худди шунча маблағ белгилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 1964 йилдан токи 1985 йилгача имтиёзлилар сони анча кўпайган. Беихтиёр армия ва флотдаги амалдорлардан биронтасини бўлсин хафа қилиб қўйишдан жуда қўрқишган, деб ўйлаб қоласан киши. Шунинг учун ҳаммаларига дала ҳовлилари ва албатта унга қараб туриш учун маблағ ҳам ажратилган.

Ҳозир Москва вилоятининг ўзидагина бундай дала ҳовлилари 75 та бўлиб, уларда СССР Мудофаа вазирлиги марказий аппаратининг ходимлари, ўлган генераллар ва маршалларнинг оилалари деярли бепул яшашмоқда. Улар учун йилига 300 минггача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ сўм сарфланади. Хўш, бошқа мавзе флот ва қўшин турларидачи? Умуман мамлакат бўйича қанча? Ҳозирча буни ҳеч ким ҳисобламаган...

Пулдан ташқари кўплаб меҳнат ресурслари ҳам сарфланади. Булар — фуқаро аҳоли, ҳарбий хизматга чақирилганлар, прапоршиклар ва зобитлар. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг шундай катта ва саройсифат дала ҳовлиси соқчилар, сантехниклар, ҳайдовчилар, ўт ёқувчилар, таъмирловчилар, алоқачиларсиз бўлиши мумкинми? Хўжалик ишлари мудираси, боғбон, фаррошлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ва уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш керак.

1981 йилда ҳукуматнинг буйруғи билан дала ҳовли учун сарфланадиган харажатлар 3 минг сўмдан ошадиган бўлса, ортиғини ундан фойдаланадиган одам тўлаши белгиланди. Бу тартиб СССР Мудофаа вазирлиги томонидан қўпол равишда бузилди. Мудофаа вазирлари томонидан тасдиқланадиган харажатлар рўйхати тузилаётганда қарз бериладиган пул миқдоридан ошиб кетмаслиги учун фақат коммунал хизмат учун ва хизматкорларнинг бир қисми учунгина тўланадиган пуллар ҳисобга киритилган холос. Қолган барча харажатлар Мудофаа вазирлигининг бошқа сарфлари бўйича қопланган ва дала ҳовлидан фойдаланувчи амалда бир тийин ҳам ишлатмаган.

Таъмирлаш, қайта қуриш, тиклаш ва ҳоказолар учун қанчадан кетган деб ўйлайсиз? Буларнинг ҳаммаси Мудофаа вазирлигининг харажатлар сметасида ўз аксини топган.

Архангельскдаги жамоатчилик бинолари ўнлаб йиллардан бери таъмирланмайди, зобитлар ва прапоршиклар учун уй-жой етишмайди. Афтидан, бундан кўра бошлиқларнинг дала ҳовлиларини доимо ярқираган ҳолда тутиш муҳимроқ бўлса керак.

Мана, 1989 йил 31 майда Мудофаа вазирлигининг бош уй-жой бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Н. Грязнов ва бошқалар имзо чеккан ҳамда қуриш ва қўшинларни жойлаштириш бўйича вазир муовини генерал полковник Н. Чеков тасдиқлаган ҳужжат. Унда СССР Вазирлар Кенгашининг 1981 йилдаги фармойишига (бу ҳақда ҳали биз тўхталамиз) асосланиб юқори мартабали тўрт бошлиқнинг дала ҳовлиси учун иссиқхона, тўсиқ, ҳовуз қуриш — жами ярим миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш таклиф қилинади. Маблағ капитал таъмирлаш учун ажратилган пулдан олинади. 1988 йилда расмий ҳужжатларда «10-сонли объект» деб тилга олинган битта дала ҳовлисига Мудофаа вазирлигининг бош инспектори М. Сорокинни кўчиришдан олдин уни таъмирлашга ярим миллиондан кўпроқ сўмни сарфлашни мўлжаллашганди. Бироқ, бунинг теварагида кўтарилган жанжал ва фуқароларнинг шикоятлари харажатларни 343 минг сўмгача қисқартиришга мажбур қилди. Битта оилага 341 квадрат метрли 9 хона! Тағин қанақа денг: мармар тош, ёнғоқ ёғочидан ишлов берилган, ўрмони, кўли, 2-3 гектар ери ҳам бор!

Вазирнинг қурилиш ва қўшинларни жойлаштириш бўйича собиқ ўринбосари Н. Шестопаловнинг собиқ дала ҳовлиси ҳам бундан қолишмасди. Бир вақтлар уни астойдил, дилдан чиқариб таъмирлашганди. Бироқ кўп ўтмай Шестопалов вазифасидан «кетди» ва дала ҳовлисини алмаштирди, унинг илгариги турар-жойини эса бузиб ташлашди. Ҳозир унинг ўрнида, Горок—6 нинг энг хушманзара жойида янада кўркам ва қиммат бўлган «1» сонли объект қурилмоқда. Ким бу ерда ҳовли тўйи ўтказаркин? Афтидан, бу давлат сири бўлса керак...

Н. Чеков ва Н. Грязновлар имзо чеккан ҳужжат бизни ҳаммаси қонуний ва кўзбўямачилик йўқ деб ишонтирмоқчи бўлади. Гўё СССР Вазирлар кенгашининг 1964 ва 1981 йилги фармойишларида Мудофаа вазирлигига Архангельск посёлкасида ҳар бири 45 минг сўм бўлган 35 та хизмат дала ҳовлиси қуришга рухсат берилганмиш. 1989 йилнинг 1 июнигача 31 та дала ҳовли қурилган. Буюртмачининг бухгалтериясида эса бу 3,7 миллион сўмга тушганини айтишди. Бунда албатта ҳеч қандай сир йўқ — ҳаммасини кўриб ва билиб турибди. Илгари эса халқдан ва назорат органларидан яширишарди. Шу жумладан, худди ўша, буйруқ берган, бироқ унинг қандай бажарилаётганини назорат қилишни унутган Вазирлар Кенгашидан ҳам...

Агарда унутмаганда мутлақо назоратсизлик умидида унга орқа қилинаётганини кўрган бўларди. 1964 йилги фармойишда дала ҳовли қуришга рухсат бериш тўғрисида бирорта ҳам сўз йўқ. Ундан кейинги қарорларда ўн биринчи беш йилликда армия генераллари, қўшин турлари маршаллари ва флот адмиралларига ҳар бири 40-45 минг сўм (бунга юмшоқ анжомлар ва идиш-товоқлар нархи кирмайди) бўлган 35 тагача хизмат дала ҳовлиси қуришга розилик берилган. Дала ҳовлилари турар-жой ва ер майдони миқдорида бўлиши керак эди. Шунингдек, Чеков ва Грязновлар ёзганидек 35 та эмас, балки «35 тагача» қуришга рухсат берилган. Бундан ташқари ҳозиргидек иқтисодий кескинлик даврида эмас, балки бюджетнинг аҳволи анчайин яхши бўлган, мамлакатни инқироз ва тақчиллик ларзага солмаган «ўн биринчи беш йилликда» қурилиши лозим эди.

Гарчи ўн биринчи беш йилликда ҳам ҳаммаси силлиқ бўлмасада, гарчи у давр турғунлик йиллари бўлсада, озгина бўлса ҳам тартиб бор эди. 45 минг сўмдан оширмаслик керак эди. Бироқ ўшанда назорат ҳозиргидан ҳам бўш эди. Шу йилнинг 26 январида СССР Молия вазирлиги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғининг муовини М. Стаханов ҳамда Москва шаҳар уй-жой бошқармаси ва Мудофаа вазирлигининг маъмурий-хўжалик бошқармаси вакиллари иштирокида жойларда ўтказган текширишимизда бизга ҳужжатда айтилган 31 та эмас, балки бор-йўғи 18 та дала ҳовлини кўрсатишди, холос. Қолганларини топа олмадик. Қизиқ, ахир дала ҳовлиси игна эмас-ку!

Хўш, бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Сарфланган 3,7 миллион сўмни 31 дала ҳовлисига бўлсак, биттасининг нархи 122 минг сўмданлигини аниқлаймиз. Агарда ўша миллионларни топилган 18 дала ҳовлисига тақсимлайдиган бўлсак, ҳар бирининг нархи 210 минггга чиқиб кетади — ҳукумат рухсат берганидан қарийб 5 баробар кўп.

Шундай қилиб, қайта қуриш бошлангунга қадар шаҳардан ташқарида умумий қиймати 3,7 миллион сўм бўлган 18 та уй қурилган. Кейинги, 1988—1989 йилларда бир қарашда бизнинг давримизда ўз кучини йўқотиши керак бўлган Вазирлар Кенгашининг ўша, 1981 йилги фармойишига асосланиб яна тўртта кошона қурилиши бошланди. Ўртоқ Чековнинг кўрсатмасидан маълум бўлишича бор-йўғи Мудофаа вазирининг тегишли қарори билан қурилиш олиб борилган. Мудофаа эҳтиёжлари учун ажратилган маблағдан бундай мақсадда фойдаланиш учун рухсат берувчи бошқа ҳеч қандай қарор бўлмаган. Хўш, ушбу дала ҳовлиларнинг эгалари ким бўлиши керак эди? Вазирликнинг марказий аппаратига янги келган вазир муовинлари генераллар В. Архипов, М. Моисеев, К. Кочетовлар. Аввалига муҳандислик тармоқлари, муҳандислик таъминоти ва хизмати хоналарини қўшмаганда ҳар бир дала ҳовлиси учун 350 минг сўм сарфлаш мўлжалланганди. Бироқ, вазият ўзгариб қолди ва ҳозирги кунда бу харажатлар... 800 мингдан сал кўпроқ сўмни ташкил этди. Бунда ҳам юқорида санаб ўтилган «нарса»лар ҳисобга олинмаган... Айни пайтда Морфинодаги ҳарбий санаторий яқинида «Ўрмончи уйи» деб аталган объект қурилмоқда. Бу «уйча» қарийб 118 минггга тушади.

Айрим қурувчиларнинг фикрича, ушбу рақамлар жуда камайтириб кўрсатилган, уйларнинг ҳақиқий қийматини текшириб ўлчаш билан аниқлаш мумкин. Аммо ХНҚ ва Молия вазирлиги вакилларини текшириш у ёқда турсин, у ерга яқин йўлатишмади. Ҳатто суратказ «1» сонли объектни суратга олмоқчи бўлганида зобит Н. Ришко уни бошлиқлар бундай «ҳарбий» объектларни суратга олишни таъқиқлаганини баҳона қилиб ҳайдаб юборди...

Хўш, биздан шу қадар сир сақланиб, яширилаётган дала ҳовлилари ўзи қандай экан? Қандай бўларди, оддийгина... Икки қаватли ғиштин саройсифат иморат. Унда меҳмонхона, айвон, емакхона, ошхона, хизматкор хонаси, бир нечтадан ётоқхона, ювиниш хонаси, ҳожатхона. Махсус қурилган қозонхонага уланган марказий иситиш тармоғи, совуқ ва иссиқ сув, телефон. Нимаси ажабланарли? Нима, ғарб фильмларини кўрмаганмисизлар?

Унинг ёнида яна қатор иморатлар бор: ҳар хил хўжалик уйлари, дарвозахона, иссиқхона, гараж дегандай уларда ҳам ҳар хил балолар сақланади. 1-сонли дала ҳовлида ҳовузнинг ўзи бир кошонадай қурилмоқда. Генерал М. Моисеевнинг дала ҳовлисидаги қабул маросими ўтказиладиган уй ёнида сауна қад ростлаган. Муҳандислик тармоқлари ва қозонхонани таъмирлашнинг ўзи давлатга 700 мингдан кўпроқ сўмга тушди.

Бундай сарф-харажатларга қонуний тус бериш учун Чеков СССР Вазирлар Кенгаши Раисининг собиқ муовини Ю. П. Баталинга хат билан мурожаат қилиб ҳар бири 150 минг сўмлик 4 та дала ҳовли бунёд этишга рухсат сўраган ва у рози бўлган. Ноқонунийми? Баталин буни қурилишга рухсат берганман, қийматини оширишга эмас, деб изоҳлаган. Ана шунинг ўзи «ҳуқуқий асослаш».

Мен совет ҳарбий бошлиқларининг хизматларига яраша имтиёзга эга бўлишларига қарши эмасман. Фақат бу кимнинг ҳуқуқи катта бўлса ўша ҳақ деган гапга айланишини истамайман. Устунликлар бўлиши лозимлигини ҳам инкор этмайман, бироқ бу халқ қабул қилган қонун асосида бўлиши зарур. Биз дуч келган имтиёзлардан эса бошқа нарсанинг ҳиди келмоқда...

Мудофаа вазирлиги вакиллари бизни, шунингдек рўзномаларда чиққан мақолалар муаллифларини Қуролли Кучлар обрўсини туширишда айблашга қанчалик тиришмасинлар обрўнинг тўкилиш сабаби ўз-ўзидан аён. Кошоналар қуриш давом этаётгани аҳолининг Совет Армияси раҳбариятидан, шу билан бирга фирқа ва шўро органларидан норозилигини кучайтирмоқда. Рўзномаларда чиққанлари эса бу бор йўғи ана шу жараённинг акс-садоси холос.

Сураткашимиз ўртоқ Моисеевнинг дала ҳовлисини суратга туширмоқчи бўлганида шу ерда бўлган зобитлар бошқа томонни кўрсатишди. У ёқда Моисеевникидан ҳам уч-тўрт баробар катта ва ниҳоятда ҳашаматли ҳамда кўркам сарой савлат тўкиб турарди. Ҳарбийларнинг гапига қараганда унда собиқ, истеъфодаги фирқавий раҳбар М. Соломенцев яшар экан. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, бу ҳақда ҳам ёзиш вақти келди. Бироқ гап фақат юқоридагиларнинг аҳмоқона намуна кўрсатишида эмас.

Ўз гуноҳлари учун ҳам жавоб бериш пайти келди — посёлка аҳолиси худди шунга эришмоқчи. Бемаънигарчиликни тўхтатишни ва айбдорларни жавобгарликка тортишни талаб қилишмоқда. СССР ХНҚ вакиллари кошоналарни болалар касалхонаси, болалар комбинати, уруш ва меҳнат фахрийлари учун профилакторийга топшириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашди.

Муаммони ҳал этишнинг яна бир йўли Мудофаа вазирлиги фаолиятини назорат қилишни кучайтиришдир. Бу назоратни маҳкама нуфузини ерга уриш деб қарамаслик зарур. Бироқ, афсуски, мудофаа маҳкамаларининг эшиклари ҳозирги назорат органлари учун тақа-тақ ёпиқ. Бунга АНТ билан бўлган воқеа яққол мисолдир. Илгари халқ назорати бу тармоқни мутлақо тафтиш этолмасди. 1989 йилнинг охирида «дала ҳовлилари иши»ни тартибга солишаётганда ундан фойдаланганлик учун ҳақни 50-йиллардаги таъриф бўйича белгилаганларичи? Хўш, қолганини ким тўлайди?

Буларнинг ҳаммасини мудофаа вазири билмайди деб ўйлаш нотўғридир. Прокуратура бошлиқлар учун дала ҳовлилари қуриш ва хизмат кўрсатишда қонунчилик қўпол равишда бузилганлиги масаласини кўтарганди, аммо ҳозирча натижасиз. Айбдорлар муваффақият билан жавобгарликдан қутилиб қолишмоқда, уларга навбатдаги унвонлар берилаяпти. Жуда бўлмаса ҳайфсан эълон қилишади. Энг «оғир» жазо эса... соғлиғи туфайли армия хизматидан озод қилишади.

Бизнинг давлатимизда назорат шу аҳволда қолар экан, бошқача таъсир чораси бўлиши ҳам мумкин эмас. У шунчаки ёмон эмас, балки умуман давр талабига жавоб бермайди. Турли туман инспекциялар, ревизорлар аппарати фаолияти, хўжалик соҳасида прокурор назорати қандай амалга оширилмоқда? Назорат ёмон эмас, у умуман кучсиз, қудратсиз. Мисол учун у ўша Мудофаа вазирлигига нисбатан қандай чора кўра олиши мумкин? Ҳеч қандай. Шунинг учун ҳам ушбу вазирликнинг ноқонуний ҳаракатлари давом этмоқда! «1» сонли объект ёнида кошонадек ҳовуз халқ пулига бунёд этиляпти.

Мудофаа вазирлиги олдига кўндаланг қўйилган масалалар ҳал бўлмай қолади, деган хавфсираш бор. Негаки «Дачная поляна»даги бир дала ҳовлини болалар боғчаси учун берамиз деб эълон қилишди-ю, кейин бу яқин икки йил ичида фойдаланишга топширилиши керак бўлган 200-300 ўринли болалар боғчаси қурилишини тўхтатиб қўйиш мумкин деган баҳона билан қолдиришди. Бу ҳақда «Московские новости» 18 февралда хабар берган эди.

Агарда биз ўз халқимизни ҳарбий ва ноҳарбий ишларида қуруқ ҳисобчи деб ўйлайверадиган бўлсак, ҳар нарса бўлиши мумкин.

Владимир СЕРГЕЕВ,
СССР Халқ назорати қўмитасининг етакчи инспектори.
(«Огонёк» жаридасининг 1990 йил 13-сонидан).

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

ҚОҲИРА. Босиб олинган территорияларда ўтган кун давомида Исроил қўшинлари билан тўқнашувлар чоғида ўттизга яқин араб жароҳатланди. 15 нафар фаластинлик қамоққа олинди. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Тулкарм ва Наблус шаҳарларида, Ғазо минтақасидаги фаластинлик қочоқларнинг Хон-Юнис лагерида фаластинликларнинг армия бўлинмалари билан тўқнашувлари ғоят шиддатли тус олди. Иккала шаҳарнинг баъзи даҳаларини қўшинлар қуршаб олди. Хон-Юнисда норозилик намойишларини ташкил этишда гумон қилинган фаластинликларнинг 8 та уйи бузиб ташланди.

Қуддусда фаластинликларнинг бу ерга кўчиб келган исроилликлар билан бир қанча тўқнашувлари юз берди. Ҳар икки томондан одамлар жароҳатланди. Можароларнинг тафсилотлари хабар қилинмади.

Исроил мудофаа вазири Моше Аренс қўзғолонни бостиришнинг янги режасини ишлаб чиқди. Бу режа жойларда Фаластин қўзғолони билан боғлиқ ҳамма масалалар билан шуғулланадиган махсус комиссиялар тузишни кўзда тутади. Бу комиссияларга кенг ваколатлар ва ҳар қандай жазо чораларини кўриш ҳуқуқи берилади. Шунингдек қўзғолонни бостириш билан шуғулланадиган махсус армия қисмларини тузиб, уларни комиссиялар ихтиёрига бериш режалаштирилмоқда. Қўшинларнинг кенг операциясини ўтказиш зарур бўлган тақдирда комиссиялар у ёки бу ноҳиядаги қўзғолон бошлиқларини аниқлаши ва операция мақсадларини белгилаши лозим. МЕНА агентлигининг хабар қилишича, бу режалар уч ойга мўлжалланган.

БАЙРУТ. Ливаннинг босиб олинган жанубидаги «хавфсизлик зонаси»да Исроил қўшинларининг тўпланиши давом этмоқда. «Ас Сафир» рўзномасининг хабар қилишича, ўтган икки кун давомида бронетанк ва механизациялашган қўшинларнинг бир неча колоннаси Ливан чегарасидан ўтди ва Кавкаба, Боядa ва Марухин аҳоли пунктлари теварагида жойлашди.

Кеча Исроил артиллерияси жанубий Ливандаги «хавфсизлик зонаси» шимолий чегарасида жойлашган аҳоли пунктларини ўққа тутди. Кфар-Шуба, Шебаа, Мажидия қишлоқлари ва бошқа бир қанча қишлоқлар атрофида ўнлаб катта калибрли ўт олдирувчи снарядлар портлади. Бир қанча жойларда деҳқонларнинг далаларида ўт чиқди. Иморатларга шикаст етди.

ЛОНДОН. Рейтер ахборот агентлиги Анқарадан хабар қилишича, якшанба куни кечқурун Туркия пойтахтида рихтер шкаласи бўйича 4,6 балл куч билан ер силкинганлиги қайд этилди. Туркия об-ҳаво хизматининг маълумотларига қараганда, зилзила маркази Анқаранинг ўзидадир.

Зилзила натижасида жабрланганлар ёки етган зарар ҳақида ҳали хабар қилинганини йўқ.

КОБУЛ. Якшанба куни экстремистлар Афғонистон пойтахтини яна ўққа тутдилар. Бир киши ярадор бўлди.

Гилман вилоятидаги Нахр Сирож уездида Гулбиддин Ҳикматиёр бошчилик қилаётган «Афғонистон Ислом партияси (АИП)»га қарашли оппозициянинг учта отряди ҳукуматга қарши қуролли курашни тўхтатганлигини эълон қилди. Бу уч отрядда 170 га яқин одам бор.

Ўша ноҳияда «Афғонистон Ислом партияси» ва «Афғонистон Ислом инқилоби ҳаракати» (АИИҲ) бўлинмалари ўртасида бир ҳафтадан олдинроқ бошланган жанглар давом этмоқда. Сўнгги бир неча кун ичида томонларда ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор. Улар 60 жангаридан маҳрум бўлдилар. Бу жангларда аввалгилари каби АИИҲ тарафдорлари устун чиқмоқда. Улар ҳикматёрчилардан 50 кишини асирга олдилар. Ҳикматиёр Покистондан янги бўлинмаларни юборгани ҳам АИП тўдаларига ёрдам беролмади. Уларнинг ҳаммасини АИИҲ жангарилари чегара ноҳиясида қириб ташлашди.

Каписа вилоятида АИП отрядларининг бир қанча қароргоҳига ҳужум қилинди. Ҳикматёрчилардан 25 киши ҳалок бўлди, ўнлаб одам жароҳатланди.

(ТАСС, 6 август).

Бу хўмрайган қиз ким деб ўйлаяпсизми? Аввало у қиз бола эмас. Машҳур «Кьюре» — рок дастасининг таниқли қўшиқчиси Роберт Смит.

Лаб, қош-кўзни бўяш, қулоққа зирак тақиш — аёлларга хос. Аммо Ғарбда бу «тартиб» аллақачон ўз кучини йўқотган. Ғарб шамоли иттифоқимизнинг кўпгина йирик шаҳарларига ҳам етиб келган. Қиз билан ўғилни, аёл билан эркакни бир қарашда фарқлай олиш анча маҳол у ёқларда. Бизда ҳар ҳолда бундай эмас. Шунисига ҳам шукур...

КЕЙСТОН—СИТА сурати.



УРИНИШ БАРБОД БЎЛДИ

ДЕҲЛИ. Шри Ланка ҳукумат қўшинлари якшанба куни «Тамил Илама» (ТОТИ) озодлик «йўлбарслари» тўдаларидаги жангариларнинг Жафна шаҳри қалъасини эгаллашга уринишларини барбод қилдилар. ЮНИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, эрта тонгда радио орқали қалъадаги ҳарбий-ҳаво кучларининг бириидан фалокат ҳақида сигнал берилиб, қалъа гарнизонига шошилинч ёрдам бериш илтимос қилинди, гарнизон икки ойдан буён қалъани мудофаа қилиб турибди. ТОТИ қурол-яроғларни дарҳол сўзсиз топшириш ҳақида қатъий талаб қўйганидан сўнг қалъани мудофаа қилаётганлар ёрдам сўрашга мажбур бўлдилар. Ланка ҳарбий-ҳаво кучларининг тревога билан парвоз қилган вертолётлари ва тайёралари «йўлбарслар»нинг қалъа атрофидаги позицияларини икки марта бомбардимон қилди. Шри Ланка мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, бомбардимон натижасида камида 50 жангари ўлдирилди, жуда кўп жангари ярадор қилинди. Оролнинг шимолидаги бир қанча ноҳияларда хавфсизлик кучлари билан тўқнашув чоғида экстремистлардан яна 30 киши ўлдирилди. ЮНИ агентлигининг таъкидлашича, ҳукумат Жафна шаҳрини бетараф зона деб эълон қилишни таклиф этгандан сўнг бир неча кун ўтгач, Тамил жангарилари қалъага ҳужумни бошлаганлар.

13 та сиёсий партиянинг Коломбода эълон қилинган баёнотида ҳукумат қўшинлари билан ТОТИ ўртасидаги уруш ҳаракатлари натижасида икки ой ичидаёқ минглаб тинч аҳоли қурбон бўлганлиги таъкидланади. Ҳужжатда «йўлбарслар» мусулмонлар ва сингалларни кўплаб ўлдираётганлиги муносабати билан ташвиш билдирилади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҚАРИЯЛАР

● ЯҚИНДА Шимолий Брабант вилоятида ҳаётда камдан-кам учрайдиган суд жараёни бўлиб ўтди. Жиноятчилар курсисида Голландия суди тарихида энг кекса киши ўтирарди. Бради шаҳрининг 95 ёшли бир фуқароси гувоҳномасиз автомобиль бошқаргани учун полиция томонидан ушланганди. Бундан 5 йил муқаддам полиция унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги учун олиб қўяди. Шундан бери ҳаваскор ҳайдовчи машинани ҳужжатсиз ҳайдайверган. Суд ҳайъати жарима тўлашдан ташқари, машинани ким ошди савдосига қўйиб сотиш тўғрисида қарор чиқарди.

● ХУДДИ шунга ўхшаш яна бир воқеа «Гиннеснинг Рекордлар китоби»дан ўрин олиши мумкин. Ламбург вилоятининг кўчаларидан бирида ҳайдовчилик гувоҳномасисиз машинани бошқараётган бир «ишбилармон» қария «тумшуғидан» илинди. Текшир-текширдан сўнг маълум бўлишича, 89 ёшли қоидабузар оз эмас, кўп эмас 70 йилдан бери гувоҳномасиз машина ҳайдар экан. Полиция фикрича, бу — Нидерландия тарихида гувоҳномасиз машина бошқариш бўйича ўзига хос рекорддир. Шуниси қизиқки, қария 70 йил давомида бирор марта йўл ҳаракати қоидасини бузмаганлиги учун полиция унинг ҳужжатларини текширмаган.

САРТАРОШЛАР МУСОБАҚАСИ

● ФРАНЦИЯНИНГ шарқида жойлашган кичик шаҳарлардан бирида ҳар йили сартарошлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилади. Беллашувда биринчи ўринни эгаллаган ҳам, охирги ўринда қолган ҳам мукофотланади. Ғолибнинг сочи энг сўнгги усулда турмакланса, охирги ўринни эгаллаган кишининг сочи олиб ташланади.

ЕР ЮЗИДА ҚАНЧА МИЛЛИАРДЕР БОР?

● АҚШДА эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда Ер юзида 157 миллиардер ва икки миллион миллионер яшар экан. Худди шу даврда планетада 1,2 миллиард киши ниҳоятда чор-ночор аҳволда, юз миллион киши эса уйсиз яшайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Нуқтаи назар

Амир Темур навбати

Халқларнинг минг йилликларга бориб тақаладиган тарихи унутилмас ва абадий. Унинг инсон қалами, алами, қони, кўз ёшлари қоришиб битилган сатрларини ўчириб ташлайдиган қурол-аслаҳа йўқ. Ҳар қандай давр, ҳар бир шахс хусусида у чиқарган ҳукм қатъий, ўзгармас, ҳатто муқаддас ҳисобланади. Тарих саҳифаларига тузатиш киритмоқчи бўлганлар, ўтмиш авлод-аждодлар, арбоблар, қаҳрамонлар, саркардалар ва ҳоказоларнинг номларига доғ туширишни истаганлар ҳеч қачон муроду мақсадларига етмаганлар, етмайдилар ҳам.

...Бундан бир йил муқаддам Мўғулистонга сафар қилганимда бу қадимий тупроқнинг тарихий силсиласини, ҳозирги ҳаётини, урф-одатларию расм-русумларини озми-кўпми ўрганишга, одамларнинг орзу-интилишларини билишга ҳаракат қилдим. У пайтда бизнинг мамлакатимизда ҳам, Ғарбий Овруподаги социалистик давлатларда ҳам тўс-тўполон десак жоиз бўлмас, туб ўзгаришлардан дарак йўқ эди. Бунинг учун вазият ер остидаги вулқон, сув тагидаги тўлқин сингари пинҳона бир тарзда етилаётганди. Ўшанда мен мўғул жамиятида қайта қуриш, эскитусқидан қутилиш, яъни онглар ва шуурлар янгиланишини сезгандим. Мўғулистон Халқ Жумҳурияти бўйлаб кезар эканман, совет ёрдами, армиямиз жангчилари кўриқчилиги хусусида аввалари бўлганидек мадҳу сано эмас, қочиримлар эшитганимда ҳайратдан ёқа ушламагандим.

Менинг сафарим Чингизхон ва унинг авлодлари халқ томонидан адолат майдонига олиб чиқилган, таҳқирлардан тозаланаётган, яъни оқланаётган бир пайтга тўғри келганди. Миллат фарзандлари ўзларининг буюк боболари номини батамом поклаш, тарихий хизматларини сув бетида суздириш, (босқинчилик ва талончиликлар ҳақида лом-лим демаслик) ҳаракатини бошлашганди.

Ҳар бир элу элатнинг адабий дурдонаси бор. «Мўғулларнинг ҳикматлар хазинаси» худди шундай бадиий меросдир. Мазкур қомусий асарнинг 750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу хусусда ЮНЕСКОнинг махсус қарори чиқарилган. Шу тантаналарга ҳозирлик муносабати билан мамлакатда янгича бир шароит етилиб қолди. Мўғул халқининг миллий онги беқиёс ўсди, тарихий илдизларга қизиқиш эса улуғ хон шахсияти атрофида мисли кўрилмаган даражада жўш урди. Шуни айтиш керакки, Мўғулистоннинг ҳозирги ва бундан олдинги арбоблари Чингизхоннинг ёмонотлиққа чиқарилишига бепарволарча қараб келишганди. Халқ эса ўз бобокалонини сира унутгани йўқ. Бугунги кунда Улан-Баторда қурилаётган ҳашаматли меҳмонхоналардан бирига Чингизхон номи берилди. «МХР тарихи» беш жилдлигида унга катта ўрин ажратилди, олти кўринишли фильм яратилмоқда. «Ҳикматлар хазинаси»нинг 750 йиллиги муносабати билан яқинда чиқарилган олтин ва кумуш тангаларда ҳам буюк хоннинг тасвири бор.

Жорий йилда ёзувчилар, журналистлар, олимлар, ижодий зиёлиларнинг бошқа намояндаларидан қарийб юз кишининг ташаббуси билан «Форум — Чингизхон масками» деб номланган жамоат ташкилоти вужудга келтирилди. Унинг мақсади миллий ва маданий анъаналарни, жумладан буддийлар дини ақидаларини тўласинча тиклаш, миллат бирлигини мустаҳкамлаш, хорижда мўғул маданиятини тарғиб этишдан иборат.

Қойил қоладиган яна бир хосиятли ниятни эслатмоқчиман: хоннинг қабрини излаш йўлида бошланган ҳаракатлар жамоатчиликнинг қизғин олқишини қозонмоқда. Бу эса осон иш эмас. Ривоятларга кўра ва «Ҳикматлар хазинаси»да таъкидланишича Чингизхон қабри устидан минглаб йилқилардан иборат уюр қайта-қайта босиб ўтган, хон билан боғлиқ изларни батамом йўқотиб ташламоқчи бўлишган.

Матбуот хабарларига қараганда шу йил апрель ойи охирларида «Гурван-Гол» («Уч дарё») деб номланган мўғул-япон экспедицияси қидирув ишларини бошлаб юборди. Бундан мақсад — Чингизхон қабри қаерда жойлашганлигини аниқлаш. «Гурван-Гол» уч йилга мўлжаллаб тузилган. Шу давр мобайнида фазовий йўлдошлар, узоқдан туриб кузатувлар, электр магнит ёрдамида суратга туширишлар ва ҳоказолар воситасида Хэрлэн, Онон ва Туул дарёлари оралиғидаги қарийб 450 квадрат километр майдон «ғалвир»дан ўтказилади.


Мен Чингизхон (ўз исми Тэмужин, Темучин бўлиб, тахминан 1155 йилда Онон дарёси қирғоғидаги Делўн-Болдан деб аталган жойда таваллуд топиб, 1227 йилда тангутларнинг Си-ся давлати ҳудудида шу юртга юриш пайтида вафот этган) шахсияти, тарих олдидаги хизматларию ўзга мамлакатларни, жумладан Шарқий Туркистонни босиб олиши, одамлар бошига кулфатлар солганлиги хусусида фикр юритиб ўтирмайман.

Ниятим битта: Чингизхон ҳақида ўйлар, унинг номини оқлашу поклаш йўлидаги ҳаракатлардан воқиф бўлар эканман, инсоният тақдирида ана шу буюк хондек из қолдирган Темур (Темурланг, 1336 йилда Шаҳрисабздаги Хўжа илғор қишлоғида туғилиб, 1405 йилда Чин давлатига юриш пайтида Ўтрорда вафот этган) сиймоси кўзим ўнгида бутун салобати билан намоён бўлади. Мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумларидан бирида, Самарқанд вилояти партия ташкилотининг сўнгги конференциясида сўзга чиқиб, Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни тан олиш, унинг хизматларини муносиб баҳолаш, хотирасини эслаш ва абадийлаштириш масалаларини ўртага қўйгандим. Чиндан ҳам биз ўз ўтмишимизни, бутун меросимизни, улуғ арбобларимизни, ёзувимизни, ҳатто тилимизни кимларнингдир қутқуси билан мутаассибларча, ғофилларча қоралаб келганмизки, бундан эндиликда юзимиз шувит бўлиб, афсусу надомат чекмоқдамиз. Карл Маркснинг Темур номи ёнига босқинчи сўзини (аслида у айнан шундай деганмикин, буни аниқлаш керак) қўшиб қўйгани баҳонасида улуғ бобомиздан юз ўгиришимиз, қарийб воз кечишимиз инсофу диёнатдан бўлмас ва бизнинг бу гуноҳи азимимизни келгуси авлодлар мутлақо кечиришмас.

Истардимки, Амир Темур улуғ меросининг ворислари — нафақат шаҳрисабзликлару самарқандликлар, балки бутун ўзбек халқи, ҳозирги Ўрта Осиё, яъни собиқ Туркистон ҳудудида яшовчи тубли-тагли миллатларнинг намояндалари, биринчи навбатда илм-фан аҳли, ижодкор зиёлилар ажойиб бир хайрли ишга қўл урсалар. Темурхон шахсиятига риёкорларча босилган сохта тамғани юлиб ташласалар, унинг хизматларига одилона баҳо берсалар, қудратли руҳини эслаб-хотирлаб шод этсалар. Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё тарихини, темурийлар авлоди солномасини ёзиб чиқишдек муштарак вазифа бизнинг зиммамизга XX асрнинг интиҳосида юкланган экан, уни шараф ила бажариш муқаддас бурчимиздир.

Келинг, лоақал шу хусусда, яъни боболарга садоқатда ўзлигимизни энди англаётган биз — ўзбеклар мўғул дўстларимиздан андоза олайлик. Шундай қилсак, ёзаётган асари чала қолган Ойбек домла, ҳазрати Ғафур Ғулом, алломаи бузрук Иброҳим Мўминовлар муроди ушалган бўлур эди.

Аҳмаджон МУХТОРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР халқ депутати.



Ёшларга ғамхўрлик қилинмоқда





Ёшлар орасидан иқтидорли йигит-қизларни танлаб олиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти Беруний ноҳия комсомол қўмитасида диққатга сазовор ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда комсомол қўмитасининг ташаббуси билан ноҳия ёш ижрочиларининг кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Конкурсда ноҳия меҳнаткашларининг ўғил-қизлари ўзларининг янги куй ва қўшиқлари билан иштирок этдилар. Томошабинлар диққатига сазовор бўлган ва ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланган ёш ижодкорлар ноҳия комсомол қўмитаси қошида ташкил қилинган «Қиёт» ёшлар ансамблига қабул қилиндилар.

Суратларда: Беруний ноҳия Маданият уйи қошидаги ёш доирачилар ансамбли раҳбари, кўрик-конкурс ғолиби Икромжон Алимов. Кўрик-конкурс қатнашчилари ҳамда ноҳия комсомол қўмитаси қошидаги «Қиёт» ёшлар ансамбли аъзолари.

Ж. ҚОЗОҚОВ суратга олган.

«Одамлар ишонсин сизларга»

Очиғи, ҳали уларга кўпчилик ишонмайди. Чунки шубҳага борасан киши. Нега дейсизми? Ахир ҳар хил бедаво касалликлар кун сайин кўпайиб бораётган бугунги кунда одамлар нима учундир икки орада ҳайрон. Шифокорга ишонай деса, бу ёқда йўқ касални орттириб олсанг, ишонмай деса бўлмайди. «Экстрасенс» деганлари ҳам пайдо бўлди. Ёқангни ушлайсан. Турли хил ширкатлари ҳам кўпайиб қолди. «Врачлар даволай олмаган хасталикларни ҳам қисқа муддатда даволаётган эмиш...». Қайси бирига ишонишни билмайсан.

Жуна Давиташвили, Муяссар Шарипова, Кашпировский, Мирзакарим Норбеков, Мадиёр Салаев сингари қўлинг дард кўрмагур халқ табобатчиларининг обрўси нега мамлакатда довруғ қозонди. Жумбоқлар...

Шу вақтгача ҳам эл орасида бундай «кароматли» гўйлар, табиблар кўп бўлган. Улардан шифо топган беморлар тўғри келган жойда оғиздан гуллаб юрмаган ҳам. Тўғриси, ҳайиқишган. Шундай замонлар ҳам бўлди-ку? Энди эса...

Тошкент шаҳрида табиатда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича Ўзбекистон уюшмаси ташкил этилганлиги ҳақида эшитгандик. Лекин уларнинг нималарга қодирлиги, қандай касалликларни даволашлари мумкинлигини билмасдик. Яқинда Тошкент заргарлик заводи фирқа қўмитасининг котиби Маҳмуд Ёқубов муҳарриритимизга қўнғироқ қилди: «Бир келиб кетсангизлар, заводимизда шу уюшманинг «шифокорлари» ишчи-хизматчиларимизга даволаш сеанслари беришяпти. Одамлар жуда хурсанд. Кўз билан кўрганга не етсин?».

Аввалига (яшириб нима қиламиз) «навбатдаги ташвиқот» деган хаёлга ҳам бордик. Аммо уюшма талабалари билан суҳбатлашиб, ҳақиқат ойдин бўлди. Улар билан учрашиш ҳам осон кечмади. Мижозлар кўп. Дардига дармон излаб юрганлардан уларнинг бўшаши қийин бўлди.

Яхшиси, ана шу уюшма қошида ташкил этилган ойлик тингловчилар мактаби битирувчиси Шарифа Тиллаеванинг сўзларига эътибор берайлик.

— Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келиб ўқиган 25 нафар тингловчилар мактабининг биринчи қалдирғочлари — биз бўлдик. Ўқиш осон бўлмади. Албатта ҳар кимда ҳар хил «дард» бор. Одамларни ишонтириш керак. Менинг ўзим ажойиб, бетакрор талант соҳибаси Жуна Давиташвили мактабини тугатганман. У ёқда олган билимларимни Ўзбекистонда синаб кўраяпман.

Заргарлик заводи жамоаси ишчи-хизматчилари биздан жуда мамнун бўлишди. Жўрабек Ражаббоев, Гулзиру Эшимбетова, Раъно Газиева, Ўлжабой Мирзахонов, Илёс Хўжаев ва бошқа ҳамкасбларим берган муолажалар жуда яхши натижа берди...

Фирқа котиби «ишонмасангиз, мана махсус китоб ҳам тутдик. Одамлар сеансдан кейин ўз миннатдорчиликларини ҳамда таклиф истакларини ёзиб кетишяпти», деди. Китобни варақлаймиз. Мулоҳазалар беҳисоб. Уларнинг ҳар бирини бирма-бир келтириб ўтирмадик. Ишондик.

М. ЁҚУБОВ:

— Бундай даволаш сеансларини биринчи бор ўтказишимиз. Лекин самарали бўляпти. Тўққиз кун давомида меҳмонлар қўлларидан келгунча ишлашди. Иссиқжон, ҳозир касал бўлмаган одамни топиш қийин. Ҳаманинг ўзига яраша дарди бор. Аввалига уларга ишонмадик. Чунки кўпчилик Тошкентга келаётган ҳар хил ширкатчи табибларни ҳам кўриб ихлослари қайтган. Кунора турли хил мишмишлар тарқалаётган замонда одамнинг ишончи йўқолиб борар экан-да.

Уюшма хайрли ишни бошлади. Албатта, биринчи қалдирғочларга жуда қийин бўлиши тайин. Чунки эртаиндин улар ўз юртларига жўнайдилар. Жойлардаги мутасаддиларнинг ишончини қозониш ҳам осон эмас. «Қўлингдан келса давола, бўлмаса тўрт томонинг қибла...». Бу аниқ айтиладиган гап. Лекин қандай бўлса ҳам уларнинг бошини қовуштириш керак. Жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида алоҳида уюшмами, бўлиммми тузиб, энг ишончли (ҳар хил сохта табибларни эмас) одамларни махсус кўрикдан ўтказиб, қабул қилиб кенг фойдаланилса қандай яхши бўларди.

Савоб ишнинг кечи бўлмайди. Бизнинг ота Шарқимиз асрлар мобайнида дунёга не-не алломаларни, буюк талант соҳибларини етказиб берган. Ҳали-ҳали тиббиёт оламини ҳайратга солиб келаётган Абу Али ибн Сино Ватанида унинг издошлари етишиб чиқишига умид қилса бўлади. Халқ табобати ҳам ҳали ўз «сир»ларини очолгани йўқ. Уларга ёрдам бериш керак. Ўйлаймизки, мазкур уюшма ўз сафига фақат эл ташвиши йўлида куйинадиган, одамлар дардига шифо берадиган кишиларни бирлаштиради...

Норқобил ЖАЛИЛ.

«Ҳайр Америка!»

17 кун. Лаҳзалар, дақиқалар ҳар бири ҳисобли. Айниқса кутилмаган рекордларни айтмайсизми. Ҳеч ким ютқазишни хоҳламайди. Ҳеч бўлмаганда фахрли ўринлардан бирига «илиниб» қолганга не етсин. Лекин спорт оламида ҳар қандай шароитда ҳам кўп нарсалар омадга ҳам боғлиқ экан. Иккинчи Яхши ният ўйинлари тугади. Эндигиси насиб этса, Совет Иттифоқида — Москва, Ленинград шаҳарларида бўлиб ўтади. Бу ўйинларда ҳазилакам мамлакат спортчилари қатнашмадилар — 54 та! Айниқса бу ажойиб спорт байрамининг Сиэтлда ўтказилиши катта аҳамият касб этди. Боиси, Сиэтл шаҳри ҳақида мамлакатимизнинг исталган бурчагида илиқ гап-сўзлар айтилади. Бу шаҳар билан дўстлик ришталарини боғлаш ниятида юрган шаҳарлар сони янада ортиб бораяпти. «Қанийди агар яна имкони бўлса, шу ўйинларнинг навбатдагисини ҳам Сиэтлда ўтказишса!» — бу маҳаллий рўзнома муштарийлари ҳамда журналистлар ўртасида ўтказилган сўровларда айтилган эътироф...

Сиэтлда якунланган Яхши ният ўйинлари натижалари ҳаммани қизиқтираётгани шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда совет спортчиларига омад кулиб боқди. Улар ҳисобида жами 66 та олтин, 68 та кумуш, 54 та бронза медаллари бор. Ғолиблар орасида ўзбекистонлик спортчиларнинг ҳам борлиги қувончлидир. (Ғолибларни чин юракдан қутлаяпмизу, лекин кўнглимизнинг бир четида ўксиниш ва армон яширин. Чунки улар орасида ўзбек спортчиларимиз йўқ!). Ҳамюртларимиз Р. Гатауллин, М. Шмонина, В. Зайцев, О. Чусавитина (2 та), А. Григорьянлар олтин медалларга сазовор бўлишди.

ТВ

9 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Болалар учун фильм. «Эртак бошланади». 12.00 «Спортнинг умид камалаги», «Пярну — спорт шаҳри». Телефильмлар. 12.40 «Сережа». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.40 Болалар учун фильм. «Петькани кўрган борми?» (А. Довженко номли киностудия). 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дорилфунун фахри». В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 20.29 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради... 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Тафаккур гулшани». Маданий мерос тўғрисида сўз юритилади. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Касби: шофёр», «Кодралар». Телефильмлар. 18.40 «Китобсеварлар» (рус тилида). 19.20 «Иккиёқлама қопқон». Бадиий фильм. 1-серия (Рига киностудияси).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Гулчин» Мусиқий кўсатув. 21.40 «Сирена». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Аламлардан кучли». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 9.15 «Педагогика ҳамма учун». 10.15 Сизни Москва Кремли комендатурасининг намуналикўргазмали оркестри таклиф этади. 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж (реклама ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 4-серия. 16.50 Фольклор байрами. II Халқаро фольклор фестивали ҳақида. Киевдан кўрсатилади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 МТ олтин фондидан. И. Л Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари. 22.00 «Балет... балет...». 23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.20 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Телефон ва оркестр учун концерт» (Телефильм-Рига»), «Тренер» («Леннауч-фильм»). 9.00 Черкасск Давлат хизмат кўрсатган украин халқ хорининг концерти. 9.30 «Нега ва нима учун». «Зумрад шаҳар сеҳргари». 10.00 «Чаплиниана». Фильм-балет (Ленинград). 11.05 Ритмик гимнастика. 11.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». 3-серия.

* * *

16.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. СССР — Аргентина терма командалари. Аргентинадан кўрсатилади. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 Экология ҳақида мулоқотлар. 19.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қувноқ жўжа». Мультфильм. 19.30 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 19.45 Соня Казарян куйлайди (Австрия). 21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 22.50 М. Шизгел. «Машинистка». Телевизион спектакль. Премьера.

Муаммо кўп — ечим йўқ...

Ҳар бир давр ва жамиятнинг қадр-қиммати аввало унинг маданий юксалишига боғлиқ. Маданият сўзи талқини эса унинг қирралари каби хилма-хилдир.

Сир эмаски, дунёга келган ҳар бир инсон яхши яшашни истайди. Бунинг учун чинакам меҳнат ва ҳаллоллик зарур. Шундай экан маданият ўчоқлари кишиларга фақат маданий ва маънавий озиқ берибгина қолмай, балки уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилмоғи лозим.

Шу нуқтаи назардан Янгиқўрғон ноҳияси маданият бўлими мудири Тоҳиржон Имомов билан учрашиб, меҳнаткашларга қандай маданий хизматлар қилишаётганлиги ҳамда бу борадаги муаммолар билан қизиқдик.

— Ноҳиямиз 1926 йилда ташкил этилган, — деб гап бошлади у. Ҳозирги кунгача маданият соҳасида катта ўзгаришлар бўлди. Ҳар бир қишлоқ Шўросида кутубхоналар, маданият уйи ва клублар барпо этилган. Бироқ, сўнгги йилларда буларга бўлган эътибор сусайиб кетди. Оддий мисол, 501182 дона китобга эга бўлган марказий кутубхона алоҳида биноси бўлмаганлиги сабабли кўчирилавериб ҳам китоблардан, ҳам китобхонларидан жудо бўлмоқда. Айни кундаги турган бино ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги учун бир неча бор махсус ишлов бериб чиқилганлигига қарамай қулайлик йўқ, китобхонларга хизмат кўрсатиш қийин.

— Оммавий сиёсий ишлар, мушоира кечалари, тадбирий учрашувлар ўтказиш учун жой йўқ, — дейди шу соҳада кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган кутубхона ходимаси Ёқутхон Холматова.

— Китоб бериш бўлимимизда 40 мингта китобимиз бор. Лекин шундан 10 фоизигина ўзбек тилида холос. Бу йил олган 2991 дона янги китобларимизнинг ҳам атиги 544 таси ўзбекча. Эстетика, фалсафа, психология ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларига оид китобларнинг эса тилимизда чоп этилганлари йўқ ҳисоби. Ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг асарлари ўта кам. Ишимиздаги ана шундай камчиликлар китобхонларимизнинг ранжишларига сабаб бўлмоқда, — деб куйинади ҳамкасбининг фикрини тасдиқлаб Собира Мавлонова.

Қораполвон қишлоқ Шўросидаги шу кутубхонанинг 32-филиалидаги ва Бирлашган қишлоқ Шўросининг Туман участкасидаги аҳвол бундан ҳам ачинарли экан. Хоналари торлигидан китобларни қўядиган жой йўқ. Ульянов номли хўжаликнинг Радиван қишлоғида жойлашган кутубхона шу қадар яроқсиз ҳолга келиб қолганки, у ерга боришнинг ўзи хавфли.

Буларни кўриб гувоҳи бўлган киши ажабланмай иложи йўқ. Наҳотки ана шундай китоблар туфайли лавозим курсиларига эга бўлган масъул ўртоқлар, фақат китобга зарурат бўлгандагина кутубхонани эслашса?

Колхозчи ёки ишчи ўзига керакли китобини топиб ўқиши учун зарур бўлган оддийгина шароитни ҳам яратиб бераолмаган раҳбар унинг иқтисодий етишмовчилигидаги муаммолари ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришидан кимга фойда?!

Маданият уйлари хизматидаги нуқсонлар кутубхоналардагидан ҳам танг ҳолатда. Келинг, яхшиси булар ҳақида Тоҳир Имомовнинг ўзидан эшитинг.

— 1957 йили Тошкентда ўтказилган бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг жумҳурият кўрик конкурсида драматик жанрлар бўйича кўрсатилган номерлари учун ноҳия театрига «халқ театри» номи берилган эди. Ўшандан бери бир неча саҳна асарлари яратилди. Ҳар бир саҳналаштирилган асар омманинг маданий билим даражасини ошириш борасидаги энг долзарб мавзулардаги асарлардир. Бироқ, афсуски, сўнгги беш йил ичида халқ бундай имкониятдан маҳрум бўлмоқда. Негаки, 1985 йилда 250 ўринли саҳна ва томошабин зали бузиб, ўрнига 600 ўринга эга бўлган «Санъат саройи» қуриш режалаштирилган эди. Лекин қурилиш материалларини вақтида етказиб бермаслик натижасида ишлар ўлда-жўлда. Ҳолбуки, бу бино 1991 йилда ишга туширилиши лозим. Саҳна ва томошабин зали йўқлиги сабабли маданият уйининг бузилмай қолган қисмида ишлашнинг имкони йўқ.

Халқ театрининг мақсади, халқ орасидан чиққан талантларни тарбиялаш ва кўрсатишдир. Аммо, ишчи ёки колхозчи 8 соатлик ишдан сўнг театрга қатнашиши учун имконият тополмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда унинг кўзга кўринган талантлари деярли йўқ.

— Биздаги энг катта муаммолардан бири бу — кадрлар қўнимсизлигидир, — дейди бўлим мудири. Маошнинг озлиги, турар-жой қийинчиликлари, қолаверса қатнов транспортлари йўқлиги туфайли ишга келганлар бироз муддат ўтгач кетиб қолишади. Шу кунларда ҳатто режиссёримиз ҳам йўқ. Мен ўтган йили ишга келганман. Кейинги 5 йил мобайнидаги бешинчи раҳбар эканман... Қисқаси бизда муаммолар кўп, бироқ ечим йўқ, ечим.

Ҳа, Тоҳир ака сўнгги сўзида жуда ҳақ. У киши айтганларидек, аслида оддий, бироқ кунлар ўтган сари мураккаблашиб бораётган маданият борасидаги муаммолар жуда кўп. Буни ўтган йили ёз ойларида ўтказилган «Шанба оқшоми» дам олиш кечасида рўй берган тартибсизликлар исботида ҳам халқ яхши англаб олган.

Демак ноҳия маданий хизмат кўрсатиш борасидаги бу муаммолар ечимини ўз вақтида ҳал қилаолмаётган экан, вилоятда ҳам бу соҳага иккинчи даражали иш деб қаралаётгани ўз-ўзидан аёндир.

Инсоннинг бугунги кунги маданий ҳаётлари ва қарашлари эртанги куннинг белгиловчиси эканлигини на ноҳия, на вилоят, на жумҳурият раҳбариятининг унутишга ҳаққи йўқ.

Шаҳзода АКБАРОВА.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23517.